

ТОЛИБ ЙЎЛДОШ

ОШИҚ КЎНГИЛ

Шеърлар

Ғафур Ғулом номидаги
Адабиёт ва санъат нашриёти
Тошкент—1979

Йўлдош Толиб.

Ошиқ кўнгил: Шеърлар. — Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти,
1979С.— 184 бет.

Мазкур тўпламга Толиб Йўлдошнинг „Умид гунчаси“ (1954 й.), „Ёшлик ўйлари“ (1962 й.), „Аттанг“ (1964 й.), „Гул ва кўнгил“ (1965 й.), „101 тўртлик“ (1965 й.), „Умрим“ (1968 й.), „Ўсмирлик ўйлари“ (1973 й.), „Гул ҳақи“ (1973 й.), „Бадорим“ (1974 й.), „Кўнгил деганлари“ (1977 й.) номли китобларида эълон қилган энг яхши шеърлари ва янги ёзган байтлари киритилди.

Юлдаш Талиб. Влюбленная душа. Стихи.

Ўз2

Т $\frac{70403-62}{352(06)-79}$ 55—79

ХАЛҚЧИЛ ШЕЪРЛАР

Толиб Йўлдош билан қарийб тенгдошмиз. Лекин бизнинг авлодимизга мансуб кўпчилик шоирларга нисбатан, унинг ҳаёт ва ижод йўли анча ўзгача таркиб топди. Одатдаги йўл — мактаб партаси, армия хизмати, олий ўқув юрти... кўпчилигимиз «соф зиёли»лармиз. Толиб эса, турмуш тақозоси билан, узоқ йиллар оддий жисмоний ишларда ишлади. Ешлик ўтиб, қирқларга боргандагина, ишлаб чиқаришдан узилмаган ҳолда, тайёрлов курслари ва кечки группаларда ўқиб, замонавий билимларни эгаллашга бел боғлади. Бу унинг ижод йўлида астойдиллиги, ирода ва саботини кўрсатади.

Ўзига хос, машаққатли, серзаҳмат ҳаёт йўли шоирнинг ижодий қиёфасини ҳам белгилади: унинг шеърлари камсўз, пайдор, халқчил доноликка мойил. Толиб Йўлдош китобларининг катта қисмини кичик жанрдаги лирик мулоҳазалар, «саккизлик»лар, «тўртлик»лар ташкил этади. Ихчам, афористик ифодага интилиш, умр мазмуни, одамнинг ҳаётдаги ўрни, изи, ёшлик, кексалик, вақт ва мангулик ҳақидаги фикр ҳамда ҳаётини тажрибаларни айтиб олишга ҳаракат қилиш унинг бутун ижодига поэтик бир ўйчанлик руҳини бағишлайди. Поэзиянинг бу турида ишлашнинг ўз қийинчиликлари бор. Унда шоирни ҳар қадамда дидактикага, насиҳатгўйликка берилиб кетиш хавфи пойлаб туради. Аммо Толиб Йўлдош лирикасининг энг яхши қисмида бу хавфни четлаб ўтишга муваффақ бўлаётир. Унинг умр ҳақидаги ўйларида меҳнаткаш халққа хос ёрқин оптимизм, кичик парчаларида ёшликка хос ўйноқ раволик доим сезилиб туради. «Ешми бир ерга бориб қолган бўлса ҳам, — дейди шоирнинг ўзи, — шеърларимдан ҳамон далагай болалигимнинг ҳиди келиб тургандай, ўйинқароқ асов ўйларим қуйилишни билмагандай бўлиб туюлади».

Толиб Йўлдош, болаларга ёзган шеърларини ва ҳажвияларини ҳисобга олмаганда, поэзиянинг ўйчан ва ихчам лирик турига содиқ. Бошқа жанрларга ҳам ўзини урмайди. Кўп ёзмайди ҳам. Кўплаб китоб чиқаришга интилиш, шон-шуҳрат орттириш майллари ҳам унга ёт. У фақат қалб амри билан, ички бир эҳтиёж билан камтарона ижод қилиб келаётган, шу билан ҳурратимизни қозонган сафдошимиздир. Қўлингиздаги китоб билан у ҳаёт йўлининг каттагина бир қисмини сарҳисоб қилмоқда. Шеърхонларимизнинг ҳурмат ва муҳаббати уни янги ижодий ютуқларга илҳомлантиражак.

АСҚАД МУХТОР

І. ЕТУҚЛИК

ДУСТЛИК ҲУРМАТИ

Жаҳоннинг шодлиги йиғилса бутун,
Дўстлар дийдоридан бўлолмас устун.

Рудакий

Ким дўстсиз яшабди, ҳаётда танҳо,
Фурбатда ғарибу тутаб ўтибди.
Тушқунлик балоси ўртаб бағрини,
Ҳар неки шодлигин мутаб ўтибди.
Ҳасратда кечибди, демак, у умрин,
Бир малҳам топмайин ортиб кулфати.
Соядек шарпасиз судралмак нечун,
Қисматда ғам-андуҳ бўлиб улфати?
Қўл қисқа, йўл йироқ, кечанг қоронгу,
Гулхонанг кўзларга хароба ҳатто.
Бир нафас бўлса-да, инсон умрини —
Дўстларсиз тасаввур этишлик хато.
Дўст — жаҳон бойлиги, ҳаёт борлиги,
Дўстликдир кафолат тинчлик ишига.
Шубҳасиз муборак дўстлик бор ерда
Дунёнинг шодлиги ёрдир кишига.
Экканинг унар ҳам дўстлик туфайли,
Иқболнинг кулгану бағри бутунсан.
Қуёшли осмондек мағрур чеҳрангга
Асло йўлатмайсан ғам булутин сан.
Дўстлик омон бўлсин, ҳамиша, ҳар дам
Бир тилни минг тилга таржимон этган.
Дўстлик қанотимиз етди иқлимга,
Юракдан йўл топиб, нурдек элитган.
Орзулар ушалган шу дўстлик ҳақи,
Дўстлик кенг ўртада дастурхонимиз.
Дўстликнинг ҳурмати шу дастурхонда —
Бўлса нонимизу, йўқса жонимиз.

ШАҲРИМ ЧИРОИИ

— Нимаси кўп Тошкентнинг?
— Суви, сойи, сояси...
Тошкентга ихлосманднинг
Тугамас ҳикояси...

Шайхзода

Гўзалликни шайдо қилгудек
Бугун шаҳрим чиройи ўзга.
Минг йилларнинг юкин елкадан
Ташлагандек, ташланар кўзга.
Таровату нафосатидан
Бир қарашда ўйлаб қоласан.
Ўзингда йўқ шўхликлар билан
Боғларида ўйнаб қоласан...
Урда суви олар хаёлинг,
Қалбингдагин айтиб бергудек.
Кўрганларинг эсланар такрор,
Утганларинг қайтиб бергудек...
Ешлик меҳри қуршар бир дамда,
Унутилар сочларинг оқи.
Ўз-ўзинга дейсан, бахтингдан
Ўргилганча: умримиз боқий.
Бола эдик, ота бўлдимиз,
Шу қадрдон тупроқда ўсиб.
Едик, ичдик, кийдик тенг тўкис,
Томир ёйдик, қолмадик ўксиб.
Ҳа, ҳавасдай кечди ҳаммаси,
Ҳавас бўлиб қолар бир бошдан.
Бугун такрор дўстликнинг меҳри,
Гул ундирди метин ҳар тошдан.
Масканимиз ораста бўлди,
Минг чамандан кўра зиёда.
Жамолига боқиб тўймайсан,
Хорисанг-да, кезиб пиёда.
Янги кўча, янги хиёбон,
Янги уйлар, янги одамлар.

Жон топгандек бутун бир шаҳар,
Фаҳм этганга, олға одимлар.
Чилонзорнинг чироқларидан
Нур эмгандек юлдузлар тунда.
Эртак бўлган сирли қасрлар,
Сўзлагувчи деворлар шунда...
Машиналар йўллар танобин
Тортар гувраб эрта саҳардан.
Ишдан келар ҳар кеч хотиржам
Янгийўллик Йўлдош шаҳардан.
Бу — жасорат эли Тошкентнинг
Мақтови ҳеч сиғмас жаҳонга.
Турмуш янги, турар жой янги,
Бутун ҳузур-ҳаловат жонга.
Она шаҳрим байрам қўйнида,
Янги келинчакдек иболи.
Янги кийган, яшнар ял ёниб,
Кундан-кунга кулган иқболи.

ОНАЛАР

Оналар меҳрингиз қуёшга қиёс,
Мусаффо бағрингиз осмонча кенгдир.
Сочингиз оқи бу кўзимиз оқи,
Барқарор умрингиз ҳаётга тенгдир.
Ақлу заковатда ягона сизлар,
Меҳрибону мушфиқ, заҳматкаш, ҳалол.
Оламни бешикдай қучолган қудрат,
Ҳа, сизлар деса миз бўлар бемалол.
Она сиз — онаизор, жигарпорасин
Сийна сути билан боқиб, улғайтган.
Тинчини минг бузиб, уйқули кўз-ла,
Тунларни эритиб, аллалар айтган...
Қўнглимиз уйининг тиргаги сизлар,
Сизлар — турмушимиз файзи, кўрки ҳам.
Сизлар бор экансиз, шодлик — биз билан,
Зинҳор ёнимизга йўлолмайди ғам.
Ҳар ерда ҳамиша мададкор миз,
Белга белбоғимиз тортиб боғлаган.
Жангларга кузатиб, қайтмаганда биз —
Дардин ичга солиб бағрин доғлаган.
Танҳо оналарсиз, дилкаш ва дилбар,
Умрини фарзандга бахшида қилган.
Бизни то вояга етказгунгача,
Минг кўйда қоқилиб, туриб йиқилган.
Нодир оналарсиз, ҳимматли, сахий,
Оламга одамни яратган, улуғ.
Сизларнинг беназир оналигингиз
Олдида таъзим-ла қиламиз қуллуғ.

ЯНГИ ЙИЛ УЙЛАРИ

Уйлаб етолмайман, нақадар улуғ,
Қутлуғ янги йилнинг ўйларига мен
Қандай совға билан бораман қани,
Қувноқ дўстларимнинг тўйларига мен?
Бири турмуш қурар, бири уй солар,
Бири кандидатлик ишини ёқлар.
Кўзимни тиндириб, бошимни чулғар
Минг хил савол билан минг бир бўёқлар...
Янги йил янгича бўлар албатта,
Кўп янги орзулар амалда кулар.
Утган йил чакана бўлмаганидай
Ҳадиксиз янги йил хаёли булар.
Қанчалар пенсияга чиқар шубҳасиз,
Ешлар эгаллаймиз уларнинг жойин.
Ахир табриклаш бор, бориб уларни
Хоҳи ишчи бўлсин, хоҳи «хўжайин»...
Режалар кундан-кун юксадан юксак,
Минутлар тобора тежамкор келар.
Янги йил, янги хил машиналарда
Янги қўриқларга чигит экилар.
Олимлар хизмати янги навларнинг
Топиб, синашлик бор, айтганча ҳали.
Буларни ўйламай бўларми асло,
Янги йил аввали — айни маҳали.
Адиблар ўтган йил қаламга олган
Асарга, янги йил қўйилар нуқта.
Ҳаммаёқ хайрли муждаларга бой,
Ҳаммасин йўқлашга иложим йўқ-да.
Ишларим бошимдан ошгудай, қаранг, —
Опангиз жазм этган келин қилмоққа.

Ўзим бир тўпламга ният қилганман,
Бугун қораларни кўчириб оққа.
Ҳаммасин ташвиши менинг бошимда,
Ҳар қандай соғ одам ўйлаши керак.
Янги йил базмида келинг, навбат-ла,
Дўстлар даврасида ўйнаш ҳам керак!

ҲАЗРАТ НАВОИЙГА

Устоз пойидаман, ҳурмат бажолаб
Шу кўйда ўтарман умрим борича.
Кўнглимининг армони — назар топсам деб,
Шоирнинг муборак бир ғуборича.
Устоз пойидаман, асрлар оша
Оламни пуштипо урар хаёлим.
Руҳим-ла сўзлашар мenden беҳабар,
Уйда болаларим, мунис аёлим.
Шундай, мен ҳамиша ҳазратим билан,
Чек қўйиш фикрида уруш, низога.
Ҳиротдан — Хуросон сафардир ишим,
Ҳасратда кўз ёшлаб Мўминмирзога...
Ўтарман шамолдек соврилган умр
Сатрлар соч юлиб йиғлар қошимда.
Замоннинг «хўб»лари ишрат билан байд,
Элу юрт хаёли менинг бошимда.
Тақдирни қуваман ғазабда лекин,
Адолат шамширин қўймай қўлимдан.
Токайга ёмоннинг ёниб чироғи,
Яхши қутулмас деб бўҳтон, ўлимдан!
Ҳеч нарса ҳеч қачон бир нафасга ҳам
Мени ажратолмас устоз пойидан.
Қайси тан ҳаётлик даъвосин қилар
Жони кўчганда ҳам, ҳайҳот, жойидан?
Мен ҳаёт эканман, эзгулик учун —
Яшайман устоздан куч-мадад олиб,
Фарҳоддай жасрат билан тоғ кечиб,
Мажнундек донишманд ва илми толиб.
То омон эканман, юртимнинг гами —
Ғамимдир бир умр менинг эрта-кеч.

Тириклар бошида олам ташвиши,
Уликка ўйлашни буюрганми ҳеч?
Лайлидай вафоли, Шириндай гўзал
Ўйларим турганда қандай ўйламай?
Нега жонга татир ғазаллар битиб
Ҳаёт томирида қондай ўйнамай?
Ўйлайман, хаёлни ҳамдам қилиб мен,
Хаёлим беназир — тинч яшаш, қуриш.
Ҳазрат Навоийдек навозишлар-ла,
Инсон бахти учун ишим — қайғуриш.

ЎЗБЕКМИЗ

Заҳматкаш ўзбекмиз, бели белбоғли,
Улуғ оилада бирга, бир сафда.
Ҳаммадан беқиёс сахийлигимиз —
Дурни яширгандек гўё садафда...
Меҳнатни меҳрдан ўхшатиб обдон,
Ҳунарни ҳимариб, тўқиганлармиз.
Ҳали ёзилмаган кўп китобларни
Идрок кўзи билан ўқиганлармиз.
Ўзбекмиз ўзидан-ўзи бохабар,
Она ер дуосин олган заршунос.
Тупроқни кимёга айлантирган биз,
Бу илм, бу санъат бизларгадир хос.
Биз Шарқдан — ўзбекмиз. Бутун жаҳонга
Манзур қила олган «қўшни оши»ни.
«Сизнинг пахтагиздан» — дерлар миннатдор,
Ер юзин одами усти бошини...
Ота ўғиллармиз тарихи қадим,
Асрлар орзуси, йилларнинг ёди.
Ўзбекмиз эзгулик ишқида ёнган
Табаррук зотларнинг тўнғич авлоди.

МЕҲНАТ ШАРОФАТИ

Пахтамиз оламини бир тугунчакдек
Етти ўраб тугса етгудек бўлди.
Қадрдон далалар, гул очган чўллар
Юлдуз чаноғлардан нурда чўмилди.
Хирмонлар қаддига тараф йўқ бунда,
Юксалар ҳатто кўк пештоқидан ҳам.
Меҳнат машаққатин бирга чекканлар,
Маъмурлик роҳатин кўраминиз баҳам.
Заршунос номига лойиқ қадоқ қўл,
Ҳар ишга қодир халқ — элим яшасин.
Пахтамиз сингари қадр қимматда
Бахти иқболимиз кулсин, яшнасин!

ЁШЛИК

Қутлуғ кунинг, улуғ айёмда
Ёшлик, сени демай бўлурми?
Мазмунга бой олтин дамларни
Тилга олмай кўнгил тўлурми?
Сен эртанинг ишқи, илинжи,
Ҳаёт борки, ёшлик сен борсан.
Нафосатинг, чиройинг билан
Гулсан, гулдан ҳам беғуборсан.
Сени десам ҳамон юлдузлар
Чаманида — кўкда кезаман.
Ойга ошиқ бўлсам айб эмас,
Лочин қанотимсан, сезаман.
Сенинг ўтли қудратинг билан
Дарё бўлиб тошганман неча.
Юрак дардим эркалаб, шеърый
Мисраларни яратган кеча —
Сен қонимда, жонимда бўлган
Қадим сирдош, йўлдошим ёшлик.
Иқболи ҳур, толеи кулган
Баҳоримсан, олтин қуёшлик.
Бугун сени, табиат ўғли, —
Бўронлар ҳам севар суръатинг.
Тўлқин урган шўхликларинг-ла
Қалбга кўчган каби суратинг.
Сен бир умр эзгу орзумсан,
Сўнмас меҳринг қалбимда яшар.
Сени десам сочим оқи ҳам,
Хаёлимда менга ярашар.

МАКТАБ МЕҲРИ

Қувончларга тўлиқ сентябрь
Биринчи кун меҳри жонимда.
Биринчи кун — бутун бир тарих
Сақланади қалб жавонимда.
Хуркак кийик боласи мисол,
Асовлигим қолмаган ҳали —
Бола эмас, ўт-олов эдим,
Айни далағайлик маҳали.
Она мактаб бағрига олди,
Қитоб бўлди сўзлашар дўстим.
Мураббийим — устоз муаллим,
Измида мен улғайдим, ўсдим.
Оқ-қорани айирдим, ёшим —
Усмирликка бориб тақалди.
Болаликнинг ўйлари бошдан
Аста-секин битди, тарқалди.
Кундан кунга портфеллар оғир,
Ортиб борар ташвишлар сони.
Студентлик йилларин ҳиди,
Давр талаб ёшлар фасони...
Орзу-умид, ҳислар туғёнин
Босиш учун вақт тополмайсан.
Ўз-ўзимга дейман: — Бу жангдан —
Чекилсангми, бахт тополмайсан!
Ўқиш, ўқиш бўлар биринчи!
Галдаги иш ва мажбурият.

«5» баҳода ўқимоқ фақат,
Уқувчига энг олий инят.
Қутилгандек бўлди ҳам, мана —
Гул ҳаётга йўлланма олдик.
Она мактаб йўлидан бориб,
На қоқилдик, на бир уялдик.
Вақтимиз чоғ, қўлимиз баланд,
Олим дейми, ишчими майли.
Зўр ишларда ўз ўрнимиз бор,
Мактаб меҳри — ўқиш туфайли.

БИР ЧИНОР ХАЕЛИ

(Устоз Шайхзода вафотига)

Чинор япроқларин тўкиб солдим,
Оромбахш соясин йиғиб олдим?
Қоядек қоматин қайга яширди,
У жувонмард эди, ҳали ёш эди.
Қайга бунча кетди ҳаяллаб шоир,
Нега хат-хабарсиз, кўздан йўқолди?
Бугун беш йилдирки, ундан жудомиз,
Бошларни ҳам қилган хаёли қолди.
Нега чинор бўлди, бир чинор умрин —
Яшамай ҳаётдан кўз юмар экан?
Бунча бедод ўлим эл мақсудининг
Бевақт заволига зор, хумор экан?
Улим оти ўзи ўлмасми эди,
Тириклар бошида тантана қурмай.
Шеъринг кўкини такрор йиғлатса,
Юлдуз кўзларида ёши қуримай¹...

Шоир кўз юмса-да, бугун ҳаётдан,
Асло тарк этмади ёр-диёрини.
Миллионлар қалбида яшар абадий,
Улим олса ҳамки, ихтиёрини.
У тирик, биз билан бир сафда ҳамон,
Ҳали бажаргудек талай ишларни.
Лабиди бурқираб тутаган «Қазбек»,
Салом-ла қаршилар кўп танишларни.
Ана соатига қараб қайгадир

¹ Шоир Ғафур Фулом вафотига ишора.

Ошиқар, албатта бормаса бўлмас.
«Умрлар ўтару, китоблар яшар»¹
Яхшилар мангуга барҳаёт, ўлмас.
Қайга бунча кетди шоир парвосиз,
Торлари узилган рубоб пардасиз —
Интизор боқади унинг йўлига.
Ҳеч кимса ишонмас у йўқлигига.

¹ Шоир эсдалик қилиб берган «Чорак аср девони»га шу сўзни ёзиб қолдирган эди.

САМАРҚАНД

Садафда дур шаҳрим,
Аъло нур шаҳрим,
Бобокалон шаҳрим — Самарқандимсан.
Сенинг таърифингда лол қолмаган ким?
Тарихлар тарихи, ғоят қадимсан.
Тупроғи тўтиё, сийму зар шаҳрим,
Ҳар ғиштинг бир тилсим, сирларга консан,
Сен қадим аجدодлар кишти коридан,
Хў, Афросиёблардан қолган маконсан.
Шухратинг посбони ҳар бир миворанг,
Неча минг йиллардан ўлмас обида.
Ўзбекнинг кимлигин яккаш жаҳонга
Сўзлаган сен илму ҳикмат бобида.
Йўқдан бор этганлар қадамжойисан,
Сен ақли заколар ётган бешиги.
Улуғбек зеҳни-ла очилмаганми
Сенда коинотнинг илк бор эшиги?
Навий яратган шоҳ сатрларни
Парвариш этган ҳам меҳринг сояси.
Табобат илмида сендан бошланган
Ибн Синомизнинг тетапояси.
Шунчалар беназир эзгу даргоҳдан,
Самарқанд деганда танг қолмаган йўқ.
Сени бир кўрганлар қайта кўрмакни —
Муштоқи, хумори тарқалмаган, йўқ.
Ҳамиша навқирон, шўх-шан фусункор.
Зарафшон кокилли танҳо гўзалсан.
Бир дамлар ҳуснига ойни беркитган,
Жаннат Мароқанддан ҳатто ўзарсан.

Бугунинг кечангдан файзлироқ, эртанг —
Яна ҳам қуёшга етгудек бошинг.
Икки минг беш юз йил кўҳна кечирманг —
Бўлмаса йигирма бешдадек ёшинг.

ҚАЛБИМДА ҚУШИҚ

Йигит оғасиман ёшин яшаган
Умрим кексаликдан топган пайт дарак.
Лекин улфатларим — ёш ўспиринлар,
Қалбимда кўшиғу дўппим чамбарак.
Кексалик хаёлин билмасман ҳатто,
Қайта болаликка қайтгандайман.
Дўстлар, ажабланманг, сизга демабман,
Неча ёшлигимни, ҳа, айтгандай ман.
Бир йигит умрини яшаб хотиржам,
Бугундан эртани рўйи рост сезаман.
Бахтимдан ўргилиб она шаҳримнинг
Эзгу қучоғида мамнун кезаман.
Тошкент деб бекорга ном олмаган бу —
Тошдек қаттиқ кунлар гувоҳи шаҳрим.
Утмишин эсласам бағрим эзилса,
Ҳозирин кўрганга очилар баҳрим.
Элик йил муқаддам шу муборақбод
Тупроқда туғилиб камолга етдим.
Бугун эзгуликни куйловчи шоир —
Бўлиб мен, шаҳримнинг таърифин этдим.
«Ҳовизбоғ» аталмиш ота маҳаллам,
Кўҳна Кўкалдошнинг шундай ёнбоши.
Қишу ёз баробар серташвиш элнинг
Ғам-ғусса ўтида пишарди оши.
Қадимдан одатим ўтганни эслаш,
Боболар бўлган ер зиёратгоҳим.
Кўкўпар Жоменинг сирланган мовий
Мунгли пештоқида ўйнар нигоҳим...
Э, сочлар бекорга оқармаган, йўқ,
Серфикр кишилар қариркам барвақт.

Ўзинг қарисанг ҳам ўтган ёшлигинг —
Ҳурматин кўнгилдан яшай олсанг бахт.
Мени у, сарпойчан далағайлигим
Меҳри ҳеч қалбимдан аримагандай.
Ҳадиксиз бейбо шўхликларимдан
Дўстларим дерлар: «Сен — қаримагандай».
Тошкентда тугилиб, тоши босган эл
Меҳри-ла йўғрилдим бола ёшимдан.
Сулаймон тахтига бермасман бугун,
Искандар зар қуйса келиб бошимдан.
Жонимда кўраман то тирик борман,
Ҳар ерда ҳамиша она шаҳримни.
Истаса йўлига ҳадя қилгум бор,
Фарзандлик шукуҳим, шон-шарафимни.

ИККИ ШЕЪР

I

ҲАМЗА ҲАЁТ

Шаланг тоғи, қишлоқ қўйнини
Одатимча ҳар йил кезаман.
Ҳар қадамда Ҳамза ёнма-ён
Бирга, ҳамроҳимдек сезаман.
Унинг билан тил эмас, дилдан —
Сўзлашаман, у дилкаш шунча.
Шоир юрак дардин очганда,
Асиридек қолар тушунча...

Шунда сўзлар у орзусидан,
Тоғ тошига омонат қўниб.
— Устоз! — дейман ўзимда йўқ шод,
Қўзларига боққанча тўниб.
Қўлда сози, ҳаётдек гўё,
Пардалардан оқар қалб сўзи.
Хаёл эмас, йўқ, ўлган десам,
Уша Ҳамза, Ҳамзанинг ўзи!
Шоҳимардон бўйлаб кезар у,
Қундай кулган йигит жамоли.
Олиб қочар унинг куйларин
Тик тоғларнинг учқур шамоли.
У хурофот ўтмиш сарқити —
Бидъатларга ўт очар ҳамон.
«Тинчлик, дўстлик» дея жар солар,
Омон-омон, етишди замон!..

Шаланг бағри, даштлоқ этагин
Одатимча ҳар йил кезаман.
Ҳар қадамда Ҳамза ҳаётдек,
Бирга ҳамроҳимдек сезаман.

II

ГУЛЛАР

Довулга дош бериб, селдан сув ичиб,
Бу гуллар тоғларнинг тошидан унган.
Бу гуллар йилларнинг эзгу орзуси
Бечора мазлумлар ёшидан унган.
Қисматим кулфат деб ёлган ошиқнинг
Тунлари интизор чеккан доди бу.
Босилган, янчилган чаманлар сири,
Узилган чечаклар... фикри ёди бу.
Юрак қони билан ранг берган унга,
Ҳар бири кўзингни куйдирар — ёқут.
Санъатнинг қудрати — гўзаллик отин —
Анвойи гулларга кўчирган ёхуд...
Ҳар бири бир жаҳон, яшнар ҳаётда,
Бағрингни тўлдириб хуш атирлари.
Бу гуллар эрк ва бахт ишқ мисолида
Туғилган Ҳамзанинг жон сатрлари.

ҲОФИЗНИНГ БАХТИ

(Юнус Ражабийга атаб)

Сеторим тorigа жон риштасидан тор ечиб
 олсам,
 Анингким ноласидан бевафонинг кўнглини
 олсам.
Машираб

**Хониш қилар ҳофиз ўртада,
 Ениш қилар қалбдан тўлғониб.
 Енбошида моҳир созанда,
 Уста Юнус танбурин олиб —
 Жўр бўлади унга одатча,
 Жўр бўлади эрта тонгданок.
 «Чагир-чутир» гулхан тапгидан
 Лоладайин кулган ҳар ёноқ...
 Кўҳна Новза, мулла Тўйчини
 Ардоқлаган қадрдон гузар.
 Йиллар ўтиб моҳир санъаткор,
 Камолатда устоздан ўзар.**

Қаро кўзим келу мардумлуғ энди фан
 қилғил.
Навоий

**Мулла Тўйчи ўлмаган гўё,
 Тирикдайин бугун ҳаётда.
 Қобил шогирд ўз устозидан
 Кам келмайди «Чоргоҳ», «Баёт»да.
 «Ироқ», «Ушоқ», «Гирья» йўлларин
 Неча ўтган, у ҳамон ўтар.
 У «Сувора» қилса, нолиши
 Ердан туриб осмонни ўртар.
 Шундай куйлар у оташнафас,
 Изтиробга тушар тошлар ҳам.
 Ўтган кунлар қайтгансимон,**

Тинглар экан, барча бошлар хам.
Ҳа, шунчалар сеҳрли куйлар,
Эшитган дер фақат: «Офарин!»
У ўзига тилсим қилгандек
Қуйламаклик санъатин борин.
Бир эзгулик бўлиб овози,
Урилади жон қулоғимга.
Руҳан асир Фарҳоддек менинг
Банд соларди қўл-оёғимга...
Куй тинаркан бир сўлиш олиб,
Мен ўзимга яна қайтаман.
Шундоқ узоқ умр тилаш-ла,
Устозига раҳмат айтаман.

ХУШ КЕЛИБСИЗ, АЗИЗЛАР

Тўй — тўкинлик нишонаси дер боболар,
Меҳмон кутмоқ — дастурхонли марднинг иши.
Очиққўлли хўп хотамтой халқмиз, қаранг,
Тан бермайин кетмас бизга келган киши.
Йили байрам, исми Ҳайитбойлармиз, ҳа,
Тўйхонадек тўкин қутлуғ уйимиз ҳам.
Ободликдан нурга тўлган шод кўнглимиз,
Кўнглимиздай эзгу фикри ўйимиз ҳам.
Қуни кеча мажорларга оқ йўл тилаб,
Мағрур осмон йўлидан биз узатгандик.
Яна меҳмон дея чойда чўп кўришиб,
Дастурхонни қайта безаб, тузатгандик...
Нур устига нур ҳинд дўстлар хуш келибсиз!
Минг марҳамат бугун ташриф буюрибсиз.
Сиз номига меҳмон, асли туғишгандек,
Қалбимизда меҳрингиз-ла, бир юрибсиз.
Ҳар эшик, ҳар хонамизда сиз тўккан тер —
Атирдайин димоғ ёрар чойимиз бор.
Дўстлик азал қонимизга сингиб кетган,
Сизлар учун кўз пардаси — жойимиз бор.
Раж Капурлар санъатидан ўзбек қизи
Пардозланиб, қуёш мисол кулиб боқсин.
Товусдайин минг товланиб саҳнамизда,
Кумар қизлар ишқи майли, бизни ёқсин...
Хуш келибсиз қадрдонлар элимизга,
Олам сизга бизнинг сахий феълимизга!

ПАХТА МЕҲРИ — ФАРЗАНД МЕҲРИ

Болалар теримда ҳа, азаматлар —
Кетишган, билмаймиз қайси томонда.
Лекин хотиржаммиз, бош омон улар...
Мўл ҳосил йиғилмай қолса ёмон-да.
Фарзандин соғинар, она эмасми —
Ичи узилгандек келинойингиз.
— Хабар олиб келинг қизингиздан, — дер, —
Қочиб кетмас бунда уйу жойингиз.
— Ҳақ гапни айтасан, хотинжон, — дейман, —
Мен кетсам бўлару сен ёлғиз уйда...
Ҳар йили то план тўлгунга қадар
Қузги кунларимиз ўтар шу кўйда.
Кекса-ёш аминмиз, эрта бирискун
Елкадан тушади шараф юкимиз.
Биздан шуни кутгач «лаббай!» деймиз-да
Минг бир кўзи билан она юртимиз.
Вужудинг кўз-қулоқ, гиргиттонисан
Пахта фарзанд мисол, меҳри-чи жонда.
Пахтадан излаймиз иқболимизни
То йиғнаб олгунча биз ҳаяжонда.

НОН ҲАҚИДА УЙЛАСАМ

Нон ҳақида ўйласам,
Ўйимга етолмайман.
Ушоғдек ожизман-у,
Дардимни айтолмайман.
«Нон — номингдан ўргилай!»
Деганча лол қоламан.
Пиллар суронида мен
Хасдайин йўқоламан...

Нон кимларни қай кунга,
Солмади, очлик ўлсин.
Айтингки, бахтимизга,
Ҳамиша тинчлик бўлсин!
Тинчлик — тенг тотув турмуш,
Мўл-кўлчилик, аввалам.
Кексалар ҳам бу сўзга
Бош чайқар: — Шундай, болам
Уруш қургур юмилган
Кўзларни очар экан.
Йўқчиликдан кишининг
Уйқуси қочар экан.

Ҳаммасин кўрдик, шукр,
Кетди у кунлар оқиб.
Сизлар кўрманг, дейдилар
«Уҳ!» тортиб, хомуш боқиб.
Нон — оти бор, ўзи йўқ,
Тушда ҳам кўрмас эдик.
Кўрсак-ку, кўзга суртиб,
Ушоғин қўймас эдик.

Бир парча қатирмаси
Бор уйлар бозор эди.
Йўқ уйларнинг бир ҳолда
Қисмати мазор эди.

Оғир йиллар эди-да,
Ўлмаснинг куни қурсин.
Айтингки, топганингиз
Тинчлик билан буюрсин!
Отқулоқнинг илдинин
Еганмиз, яширмайман.
Бўлган гап, ҳеч лоф эмас
Ошириб-тоширмайман.
Қўноқ пўсти, супурги —
Дони, писта пўчоғи
Овқат бўлган, ўт кўрмас
Эди халқнинг ўчоғи...

Уруш — очлик, вабодан
Қириламиз бўлмаса.
Ҳар балога чидаркан
Одам аҳли ўлмаса.
Нон десак, кесак келар,
Гезаришиб ўтардик.
Бугун ўша кунларни
Биз хаёлдан кўтардик.

— Ҳа, унутдик, минг афсус,
Тўқликка шўхлик экан.
Нонкўрлар шу жаннатдек
Турмушдан ҳам зериккан.

— Қаттиқчилик кўрмаган
Ёшлар-да, а, начора?
Ачинамиз уларнинг
Ҳолига биз бечора.

— Дарвоқи тўғри, дерлар,
Сувратдек шўрликларни
Булар кўрмай ўсди-да,
Биз кўрган хўрликларни.
Чориқ кийиб, оч-наҳор
Заводга чопишмади.
Сақичдек қора нонни
Жон кечиб топишмади.
Ҳаёт бир текис, шундай —
Кетамиз деб ўйлашар.

Иўқ, тақдирга тош отиб,
Улар бекор ўйнашар.
Уқимайин уққанлар,
Ҳаммалари билармон.
Айтганлари айтган-да,
Юришар денг беармон.
Ота-она бечора,
Хизматкордир эрта-кеч
Ўзларича бир ишга
Қайишмаслар асло, ҳеч.
Бундайларга нон нима?
Арзимаган бир матох.
Нон ҳақида сўз борса,
Эшитмаслар ҳам ҳатто.
Деҳқон чеккан заҳмати,
Улар учун ёт бутун.
Исташмас ҳам, ҳавонинг
Ёгин-сочин булутин...

Қандай қилиб, нон нима,
Унинг қадрин эслашар.
Гапирсангиз, эзмалик
Қилманг — дея, эснашар.
Нон бир эрмак ўрнида,
Ўйнашарлар отишиб,

Қоринлари очиқса,
Ковшанарлар ётишиб....

— Нодонлар-да, билишмас,
Нонни азиз тутишни.
Табаррук нон туфайли
Қиши бахтиш кутишни.
Нон ҳақида ўйласам,
Гапим ҳеч тамом бўлмас.
Сиз ҳам ўйланг, дўстларим,
Оқибат ёмон бўлмас.

ЙИГИТЛИК ЙИЛЛАРИ

Кўзимга бир-икки томчи ёш келди,
Болалигим билан хайрлашган дам.
Мурғак хаёлларим бир дам чекилди,
Узингни бир бошқа сезаркан одам.
Оламга қараш ҳам ўзгарар экан,
Оқ-қорани равшан кўрганинг замон.
Турмуш ташвишлари тушиб бошингга —
Изтироб ичида қийнаркан ёмон.
Узингча минг туриб ўтирарсан ҳам,
Топиш-тутиш йўлини ахтариб секин.
Бошингни чулғаган хаёллардан сен,
Ҳеч кимга бир нима демассан лекин.
Фақат ўз ўтингга ўзинг куярсан,
Ҳеч ерга етмагач чўзганда қўлинг.
Боши берк кўчага кириб қолгандек,
Ҳали тайин эмас, ҳаётда йўлинг.
Хўш, кимсан? Қай ҳунар эгаси бўлдинг?
Ё бирор билимдон — илмли киши?
Уйлайсан бир ишнинг бошин тутолмай,
Саланглаб юришлик, бу кимнинг иши?!
Тўрт мучанг саломат, йигит номинг бор,
Узингни минг ёққа уришинг керак.
Кишилар қатори ҳалол, хотиржам,
Ҳаётда одамдек юришинг керак.
Уйқудан босирқиб уйғониб кетган
Кишидай баданинг жимираб кетар.
Сабаби кундан-кун ақлинг тўлишиб,
Муборак йигитлик йилларинг етар.

МАШИНАМ

Меҳнатсевар ишда бардам машинам,
Колхозчига дўсту — ҳамдам машинам.
Мақтовингни ёзар бўлсам дostonдир,
Дostonларда кулган бўстон машинам.

Сен қўл келиб зўр ишларни енгдимиз,
Ишинг кўзин топдик сендан энди биз.
Сен бор экан, бўлмас бизнинг тенгимиз,
Ҳайиқмаймиз хору хасдан машинам...

Такрор ортиб ғаллакорлик шонимиз,
Яна бутун бўлди, бутун нонимиз.
Кўкни ўпса эртага хирмонимиз,
Олқиш ёғар баланд-пастдан машинам.

Илгарилайбер йўлларингдан гул унсин,
Қудратингдан элнинг бахти қулф урсин.
Завқим ошиб дейман: — қулинг ўргулсин!
Юр шамолга йўл бермасдан машинам.

ХАЙРИЯТ

(Янгичи тўй ва маросимларини деб)

Боши берк кўчада қолган кишидай,
Минг ёқни ўйлардик сабримиз тугаб.
Тўйимиз тўйдаини ўтса майли-я,
Дейишиб, хайрият, ҳа, бу бошқа гав.
Сояси билан бўй ўлчашган биздай,
Содалар бахтига заб бўлди қаранг.
Бирисин жуфтласак, бирига ҳайрон,
Кўзимиз тинарди, бошимиз гаранг.
Расм-русумлардан қўлимиз қуриб,
Ёр-дўстлар қўлига қараб қолардик...
Умрида биринчи тўй кўрган ёшлар,
Ўзидан беҳабар қариб қолардик...
Савил ичимликдан бу дастурхонлар,
Бир ҳолга тушарди, қандай нонкўрлик!
Тўйхона — эл яйраб кулиш ўрнига —
Муштлашган, э, инсон отига хўрлик.
Энди-чи, хотиржам ҳамма қатъри,
Орзумиз ушалар десамиз бўлар.
Ўрдами, қирдами тўй деган ерда,
Насиба тортганин есамиз бўлар.
Бир куни бизнинг ҳам эшикда шундай —
Тантана, албатта фарзандимиз бор.
Янгича одатдан кекса-ёш мамнун,
Дилларда қолмас ҳеч қудурат, губор.
Умидли дунёда ҳар кимнинг топган —
Ҳалоли ҳамиша тўйга буюрсин.
Саломат бўлайлик, тинч-омон дўстлар,
Ишимиз бахт, толе билан бир юрсин!

ЕТУКЛИК

(10-синфни битирувчиларга)

Еттида эдилар ҳали мактабга
Биринчи борган кун кўплар қатори
Бугундан рўйи рост ўн йил муқаддам
Бошланиб, фарзандлик кўрк-ифтихори.
Маржондек тизилиб бирга бир сафда
Синфга киришлар келар кўзимга.
Болалик йилларин сар ҳисобини
Чўтлаб бўлмас дейман ўзим-ўзимга.
Бугунги йигит-қиз шунда манглайи —
Дўнг кўзи эдилар болаликданоқ
Бугун балоғатга етиб, тўлишиб,
Туришар барака номли қўш чаноғ...
Илмда илгари, меҳнатда чаптаст
Ақлу заковатда тамоман бошқа.
Етуклик мандатин олишиб қўлга
Тўлар-тўлмайиноқ ўн етти ёшга.
Бу ота ўғиллар, бу она қизлар,
Бир Ватан фарзанди, бир арқоғ учи.
Бир мақсад йўлида бир тану бир жон
Шараф ифтихор-ла, қалбимиз кучи.
Шулар бор мушкуллар бўлғуси осон,
Ҳар ерда ҳамиша қўлимиз баланд.
Кўксимиз тоғ қилиб, шундан ҳам бугун
Қанча фахрлансак оз булар билан.
Бириси агроном, бириси доктор
Бошқаси эртага забардаст олим.
Бири ота ўрнида дейман ўзимга:
Умрим боқий бўлар бўлмас заволим.
Юким ерда қолмас ёнимда норим,
Пиру бадавлатман топганим ҳалол.

Палапоним ўсди, парвозин кўрсам
Чеккан меҳнатларим келмагай малол.
Биринчи синфда биринчи бўлиб,
Биринчи ҳарфни таниган қуни,
Ўқувчи деганлар ҳа фарзандимиз
Елкадан олгандек йиллар юкини.
Бугун етукликнинг аттестатини,
Аъло баҳоларда олишар шукр,
Ҳали хизматим бор дейдилар Ватан
Олдида керилиб боласи тушкур.
Сўнгра яна ўқиш, олий мактаблар —
Таҳсил узоқни ўйлашиб кетар.
Англайман, келажак сизники дейман,
Муборак дамлар кўз олдим беркитар.

ОНАМ РУҲИГА

Қалбим қони билан ёзсам-да камдек
Табаррук онамнинг муборак номин.
Минг афеус, этагин тута олмабман
Туяқсиз тақдирнинг менга инъомин.
Тонгги туш мисоли ўтибди қаранг
Болалик йилларим лаҳзадек, изсиз.
Бугун пешанамга уриб армондан,
Утганим ҳажрида ёнаман эссиз.
Онаизор экан дейман марҳумнинг
Тириклик чоғларин эслаганимда.
Болам, болагинам дея кўзимга,
Термулиб тургандек бўлар ёнимда.
Бағримни тўлдириб оламан нафас,
Не чора ўлим бу — кўпга келган тўй,
Қулоғим остида раҳматли отам —
Овози: — Бас энди, ҳолимизга қўй...
Ўликлар тирикдай ўтар кўзимдан,
Ранглари синиққан, ташвишли, ҳорғин.
Гўё нимадандир умидвор улар,
Ёлвориб дегандек: Ўғлим юборгин.
Жим қараб боришар бир ҳол сургалиб,
Бари мотамзада қора кийимда.
Тўхтаг, булар ота-онам-ку, дейман,
Куйиб адо бўлган менинг кўйимда.
Тумандек тарқалиб, йўқ бўлар улар,
Кимсасиз хонада ёлғиз бир ўзим.
Девор, токчаларга синчиклаб боқиб,
Ҳаяжон ичида изланар кўзим.
Ҳеч нарса кўринмас, фақат сочилган
Маржон донасидай уй-анжомлари.

Қулоғим том битган, тўнган лабимда
Аста такрорланар онам номлари.
Хаёл қанотига ўлтириб дарҳол,
Болалик йилларим сари шошаман.
Сертупроқ, айланма тор кўчаларнинг
Пастак деворларин енгил ошаман.
Она! — деб бораман, борганимча мен,
Баралла қичқириб товушим борича.
«Ҳа-ҳа»лаб қолишар қараб кетимдан,
Телба аҳволимга кулишиб барча.

ҚИШЛОҚ

Қишлоқ деса лабларимга
Нега кулки оралар?
Қишлоқда кўп мени эслар
Дилкаш, кўзи қоралар.
Унда мени шер ўмровли
Дўстлар кутар нечалаб.
Ёз нашъасин чайлаларда
Сурганим бөр кечалаб...
Чинор қомат ой қизларин
Мақтовига сўз керак.
Гўзалликни англаш учун
Ғоят ақл — кўз керак.
Тирноқлари бўёқ билмас,
Уларда йўқ тақинчоқ.
Меҳнатда бир ўт мисоли,
Кўринишда тортинчоқ...
Содда, сахий кексалар-ку,
Ўз отангдек туюлар.
Ёш болалар сени қуршаб,
Шўхлик билан суйилар.
Ана қишлоқ, ана турмуш,
Ана қути барака.
Хаёл ўхшар гўё шамол —
Олиб қочган варракка...
Мен ўзимни такрор улар
Даврасида кўраман.
Гурунглашиб ҳавас билан
Қирда бугдой ўраман.
Гоҳ яйловда чўпонларнинг
Меҳмониман ўтовда

Лаблар қимиз косасида,
Кўзлар узоқда — овда...
Дўстлар билан хўп кезаман,
Билмайман ҳеч ҳоришни.
Лекин зинҳор унутмайман
Ҳар йил бир бор боришни.
Қишлоқ деса, кўзларимга
Шундан қувонч оралар.
Омон бўлсин, очиқ кўнги
Хушвақт кўзи қоралар.

НАВРҰЗИ ОЛАМ

Бу кеча ёстиқни тарк этди бошим,
Сабаби шоирлик бўлди, аввалам.
Тонггача ўтирдим ижод ишқида,
Фикримни банд этиб, наврўзи олам.
Еру кўк ўзгача тараддуд билан
Бугунни қаршилаб чиққандек пешвоз.
Ешларни ёш десанг, кўнгилнинг кўнгли:
Ёшини яшаган кампирларда ноз.
Бир тиниб-тинчишни билишмас улар,
Кетида чуғурчиқ набиралари.
Тортқилаб қўйишмас этак-барларин,
Ғужғон ўйнагандек гўё болари...
Ҳа, бугун муборак наврўз байрами,
Пиширмай бўларми исмалоқ сомса?
Қатта дош қозонда барқут сумалак,
Кошки айтган билан нафсингиз қонса...
— Ол, болам, е! — дерлар, давр ғанимат,
Узоқ ўтмишларин бир дам эслашиб.
Ешлар ўйин-кулги билан овора,
Ўзлари ўлтирар ҳорғин, эснашиб...
Ошхона бошида чўққайган қўшни —
Қизининг ерўпар сочи қирқ ўрим.
Пастда уй кўтарган нозик келинчак
Имирлар, қош-қўзин босган чанг-қурум...
Кечаги кунлари такрор келгудек,
Парвосиз, бамайли қадрига етмай,
Сўзлашар баҳорги лола сайлидан,
Ким қанча билганин эринмай-нетмай.

ШЕЪРИМГА

Шеърим баҳонани севаркин бунча,
Бирор баҳонасиз сўз қотолмайман.
Тунлари излайман шу баҳонани,
Тўшакда осуда, тинч ётолмайман.
Уйлайман, толиққан кўзларим кўкда,
Кезаман юлдузлар чамани бўйлаб.
Шу юлдуз мисоли бедор бўлганлар
Қалбида ўт олган дардларин ўйлаб.
Бошлайман сўнг ёниб бирор шеърни
Гоҳ қувонч қалбимни қуршар, гоҳи ғам.
Қай ғунча лабида тонгги табассум,
Қай чаман раъноси баргида шабнам...
Сатрлар ечилар ипак арқоқдек,
Оқ қоғоз бетида ўйларим кулар.
Кечиринг ўқувчим, эртанинг ишқи,
Изланиш меваси, машқ шеърим булар.

СУРМА

(Шоир Эркин Воҳидов газалига мухаммас)

Айлар бу кенг жаҳонни кўзимга тор сурма,
Чаманга бўй бағишлаб мушки тотор сурма,
Қатлимга қасд этарда киприк қатор сурма,
Аслида ким қарарди ётганда хор сурма,
Бўлди азиз кўзига сурганда ёр сурма.

Вой, сурмани жигарлар кабобидан ясарму,
Шунда девона кўнглим овора, сарбасарму,
Дейман ажаб, бу савдо тоғи мени босарму,
Кўзда қаро на из бул тун доғидан асарму,
Майхона кездиму ё мастанавор сурма.

Бошингни урма тошга, бағрим яра экан деб,
Не бунча тийра шомим мотамсаро экан деб,
Севмак, севилмак отлиғ бир можаро экан деб,
Ўртанма, куйма ортиқ, жисмин қаро экан деб,
Ишқ йўлида қаролик тақдирда бор сурма.

Булбулда ғунча ёди — саҳарлар уйғониш бор,
Гул бағри қонлиғида кўз ёшига қониш бор.
Ошиқлик қисматида ҳамиша ўртаниш бор.
Ёр кўзига етишмак савдо экан-ку душвор,
Ёниб кўмир бўлибди бечора зор сурма.

Васлин хаёли бирлан шодман кўйида, лекин,
Минг бор салом бериб, бир ололмадик аликин,
Толиблигимни айтсам, ошкора эл на деркин,
Ёр кетди-ю, қолибди йўл ўртасида Эркин,
Кўнглида сурмасо кўз, кўзда губор сурма.

ҚИЗИҚСИЗ, УЙЛАР

Хўб қизиқсиз, қизиқсиз, ўйлар,
Тиниб-тинчиш нима, билмайсиз.
Ҳеч нарсани кўзга илмайсиз,
Ҳайиқмайсиз, тийиқсиз ўйлар.
Етаклайсиз ҳолимга бермай,
Тунлар ҳатто уйқумни олиб.
Кетингиздан бораман ҳориб,
Мудроқ билан мен ҳам эринмай.
Баъзан ҳормас қанотингизда
Уфқлардан элтасиз йироқ,
Қайтмакни ўйласам бироқ...
Кўзларимни очаман чўчиб.
Яна бир оз дам бериш қайда,
Қистов билан йўлга тушасиз.
Ииллар ўтар. Уша-ўшасиз,
Ишингизда борми қоида?
Тантиқ ўйлар, шундай қизиқсиз,
Ҳар мушкулга ҳозир шайланиб,
Бир нафасда парга айланиб,
Йўқоласиз тумандек изсиз.

БАХТ ҚАДРИ

Бахт қадрин бахтча билгин, гарчи бахтинг бўлмаса,
Бахт — баҳосиз нарса меҳнат бирла вақтинг бўлмаса.

Дур, жавоҳир излагандек — излаган тоқгай уни,
Ғайратинг бўлсин юракда, қўлда нақдинг бўлмаса.

Роҳатин баҳридан ўтгай бахтгалаб бўлган киши,
Айтганинг бўлмас муқаррар дилда аҳдинг бўлмаса.

Бўйи бастинг зап йигитсан, қудратинг дарёча бор,
Қирғоғинг қақраб ўтаркан, нега оқдинг бўлмаса?

Эту тирноқдек туташдир бахт билан меҳнат сўзи,
Бахтни меҳнатдин айирма, ҳа, улоқдинг бўлмаса.

Бахт деган эрларни кўргин, элда топди эътибор,
Сен нега бу ўтли ишқни дилга ёқдинг бўлмаса?!

ХОРАЗМ ҲАҚИДА

Ҳавасим қайнайди, кошки шаънингга
Муносиб бирор шеър айта олсам мен.
Меҳнатдан шон тонган яшулдиларинг
Қатори бағрингда яшаб қолсам мен.
Аму тўлқинлари билан баслашиб,
Баҳор кезларида бирга тошардим.
Қумларга шимилиб айри тушсам ҳам,
«Қора қош» боғлари сари шошардим...
Бир қатим ип бўлиб Хива қизларин
Қўлида гиламга тўқилсам майли.
Тошларга ўйилган кўҳна ғазалнинг
Бир сатри ўрнида ўқилсам майли...
Ҳамиша бахтимдан рози эдим мен,
Хоразм фарзанди бўлганим учун.
Ҳали ҳам дўсара дўстларимга мен
Берганман қаримас қалбимнинг кучин.
Шул сабаб ҳар йили ҳаёлинг қўймас,
Бир бориб меҳрингга қониб қайтаман.
Бағрингда бағримни ёзиб, илҳоминг
Ўтида ўртаниб, ёниб қайтаман.
Хоразм деганда ким эсламайди
Уфқ-ла туташган «оқ олтин» конин?
Шовотнинг шарбатга тўла боғлари,
Хонқанинг қовуни, Гурланнинг ношин?
Ўлкаминг кўркию чиройидирсан,
Ҳавасим қайнайди сени ўйласам.
Бор умрим етарми, Амудай тошиб.
Бир сиқим тупроғинг олиб куйласам.

БАҲОР ҚИЗЛАРИ

(«Баҳор ансамбли»га)

Қўшиқ

Ҳайрон этса бошда ҳарир рўмолингиз,
Жонга ором берар, жонинг жамолингиз.
Товус янглиғ хиромингиз кўрганда —
Қим тиламас: — кам бўлма, деб камолингиз?

Саҳнамизнинг дури «Баҳор» қизлари,
Кўзимизнинг нури «Баҳор» қизлари.

Ишва билан ўйнасангиз «Баёт»га,
Ошиқ бўлар ташна диллар ҳаётга,
Кўзи шаҳло, юзи раъно гўзаллар,
Нозингиздан гуллар қолар уятга.

Дилга солар ғулув «Баҳор» қизлари,
Бир-биридан сулув «Баҳор» қизлари.

Элнинг лобар қизи — Нурхон, Қундузлар,
Қўнғил осмонда сўнмас юлдузлар.

Этагингиз ўйнаб қучар шамолдек
Қўйингизда борман кеча-қундузлар.

Санъатимиз бахти «Баҳор» қизлари,
Қўриб суқим оқди, «Баҳор» қизлари.

УСТОЗ

(Қуддус Муҳаммадийга)

Сиз ижодда шира олган, бизлар ғўра,
Кетингиздан қолиш қайда, олов эдик.
Ушандаёқ эзгу-умид, орзу билан,
Бир туғ ости, бир сафда, бир ялов эдик.
Йиллар ўтди, ёшингизга ёш қўшилди,
Далағайлар йигит бўлдик, сиз аслича.
Ҳа, сариеғ айнимади, фақат бизлар —
Ен-верига қараб сўзлар бўлдик пича.
Ушанда ҳам ҳозиргидек давра боши,
Ижодда-чи, гала боши атардимиз.
Ҳурматингиз — гард юққудек бўлса сизга,
Эгилиб кўз кипригида артардимиз...
Ҳамон ўша устозимиз деймиз сизни,
Бир умрга ҳурматингиз бош устига.
Меҳнатингиз асло зое кетмади, йўқ,
Уруғ сочиб ундирдингиз тош устига.
Шогирдликдан, шоир бўлдик ҳозиржавоб,
Бир хамирдан узилишган зуваладай.
Олтмиш ёшни ортмоқлаб ҳам ҳоримайсиз,
Сиз Ялангтўш, камарбаста, бўз боладай...
Эл қаторда нори бор деб сизни айтар,
Сиз эл назар қилганлардан, Қуддус ака.
Қўл кўкракда, хизматингиз кутиб деймиз
Бугун, олтмиш ёшлигингиз қутлуғ, ака!

РАҒҚОН ҰША

*(Дўстларим Асқарали Ҳайдаров ва Олтимшовой Ўсаровларга
бағишлайман)*

Дўст — рафиқон дердилар, Рағқон ўша,
Утмиши минг оҳ ила ағғон ўша.

Бир замонлар мазлум элнинг ёшидан,
«Бешариқ» бирдек тўлиб оққан ўша.

Ҳоли ҳасрат ташналаб ётган хароб,
Вой, Муқимий бағрини ёққан ўша.

Боғлари жаннатмисол яшнар бугун,
Толеи меҳнат билан боққан ўша.

Тунлари кўк бурчида ойдек тўлиб,
Кундузи офтобсифат балққан ўша.

Одамий, меҳмоннавоз, дилкаш, сахий
Келди-кетдин кутгали чаққон ўша...

Хушҳаво манзил киromи беназир,
Ошнолар меҳридан топқон ўша.

КЎЗИНГ КЎЗИМГА ТУШСА

(Қўшиқ)

Юзинг ёнар лоладек
Кўзинг кўзимга тушса.
Уяласан боладек
Кўзинг кўзимга тушса.

Севдим деб айтолмайсан,
Айланиб кетолмайсан,
Дардинг беркитолмайсан,
Кўзинг кўзимга тушса.

Қўй зимдан қарашингни,
Ёр, чмирма қошингни.
Кўксимга қўй бошингни
Кўзинг кўзимга тушса.

Эрта-кеч ёдимдасан,
Биргасан, ёнимдасан.
Меҳнат — ижодимдасан,
Кўзинг кўзимга тушса.

Севмак бор, севилмак бор,
Севгимиз хур, беғубор.
Севин, кўзлари хумор,
Кўзинг кўзимга тушса.

УЛИМ ВА ҲАЁТ

Кўзларимга нам келмас ҳатто,
Улим отин эслаганим дам.
Қайта кулгим қистар, ажабо,
Этинг ўлиб қоларкан одам.
Улим нима, нимаси даҳшат,
Нега ундан ҳайиқар киши?
Бу тақдирнинг сохта ўйини,
Вафо билмас фалакнинг иши...
Ҳеч қизиғи йўқ ўйлаб кўрсанг,
Оддий уйқи қатори бир гап.
Бу уйқига бош қўймак бордир,
Охир бир кун насиба тугаб
Биров эрта, биров ҳаяллаб...
Фарқи шунда, борар ер тайин.
Тирикликка қарши қўйибди
Улим сўзин тақдир атайин.
Туғилиш бор экан, ўлим бор,
Бир эзгулик учун ўлим ёт:
Сенинг элга қилган хайрли —
Хизматингда мангулик ҳаёт.
Ҳаётликда ўлим бир хаёл,
Хаёлдан ҳам руҳсиздай, ҳатто,
Тан олмаймиз кўп вақт уни,
Аслида-ку, тан олиш хато.
Ҳа, ҳаётга не етсин, дўстлар,
Ҳаёт борки, бормиз бизлар ҳам.
Улимга ҳам тик боқдик бизлар,
Борлигимиз ўлим учун ғам.
Инсон бўлиб мағрур руҳимиз,
Яралгандан ўлимга қарши.

Иродамиз олдида бир кун,
Барбод бўлар ўлимнинг арши.
Ўлим бўлмас шунда мутлақо,
Қуёш йўли бўлар йўлимиз.
Бу вақтинча, қора ўлимнинг —
Ёқасига етмас қўлимиз.

МАҲАЛЛАМ

Мақтанмайман, жонимда —
Меҳри жондош маҳаллам.
Қуёш шаҳри Чилонзор
Билан ёндош маҳаллам.

Одамлари соддадил,
Дилкаш, бирам қадрдон.
«Ота-онанг маҳалланг»
Деган сўз бор қадимдан.

Тобуткашим, тўй бошим,
Маслаҳатгўйим менинг.
Қай эшикда тўй бўлса,
Шу кун тўйим менинг.

Бири нонвой, бўрсилдоқ
Нонлари дастурхонда.
Бири ошпаз — ҳунарин
Кўрсатар минг оҳангда.

Самоварчи қай бири,
Чой ўринга мой дамлар.
Чилонзорлик деганда,
Тан бермасми одамлар.

Очиқ қўл, меҳмоннавоз,
Номи улуг маҳаллам.
Ҳиммату ҳурматингга,
Балли, қуллуқ, маҳаллам.

Ҳаёт — турмуш китобин
Уқиганлар барчаси.
Она Ватан ғурури —
Қаторда норбаччаси.

Мақтасам мақтангудай,
Маҳаллам бор — бахтим бор.
Шу бахтимга муносиб
Эр бўлмакка аҳдим бор.

УТГАН УТДИ, ЛЕКИН...

Ҳали ўшандайин, юракда қолган —
Ўқдай азоб берар лаънати уруш.
Қанчалар тинчини бузди муттаҳам,
Нотанти бекорга қилиб ит ҳуриш.
Нима топди, қаранг, э қарғиш ургур,
Ўзи ёққан ўтда ўзи қоврилди...
Ватангадо бўлиб, эл-юртдан чиқиб,
Сомон тувроғидай тўзди, соврилди.
Ҳа, бу ҳам кам эди қилмиши учун,
Утган-ўтди, лекин... ўйлаймиз ҳамон.
Қонга чўмилдик биз, ўлик-тириклар,
Терсига айланиб кетгандек замон.
Очлик, яланғочлик ғам-ҳасрат билан
Бўлсак ҳам осмадик эшикларга қулф.
Сабр, тўзим бўлди балокаш ҳамдам,
Ийглаб турганларни юпатдик кулиб.
Чироғлар ўчмасди тун бўйи ҳатто,
Чойимиз бор эди нонсиз бўлса ҳам.
Эртанги кун учун ишонч-ла яшаб,
Кабутар боққандик донсиз бўлса ҳам.
Ҳаммасин кўрдик шу уруш туфайли,
Қолмади ҳеч бири биздан йироқда.
Оналар «ув» солиб фарзанд доғида
Келинлар йиғларди «пиқ-пиқ» фироқда.
Ота дийдорига зор гўдакларнинг
Ранглари синиққан, чўкиб кўзлари.
Кекса-ёш баробар барча оғиздан
Душманга ёғарди нафрат сўзлари.
Кеча кетганлардан бугун қора хат,
Эртага қим нима? Хаёли ўртар.

**Уша оғир йиллар йўқолганларнинг,
Суврати мана кўз олдимдан ўтар.
Уттиз йил бўлибди бугун фаровон
Турмуш-ла хотиржам кун бўлганига.
Лекин ақлим етмас ҳамон одамқуш
Фашистнинг отаси ким бўлганига?..**

ҚҰЗ

(Пейзаж)

Кеча «ғалвирак»ни қоқдимиз,
Олган эдик токни қўндоққа.
Тунда бир оз гулхан ёқдимиз,
Балки қор-пор тушдими тоққа?
Эрта билан нонуштамиз ҳам
Офтоб тушар ерда қилинди.
Ота-бола бир тўнни баҳам —
Қўришдимиз, салқин билинди.
Қун қисқариб борар кундан-кун,
Сувлар таги ташланиб кўзга.
Яширгандек боғ-роғлар кўркин,
Табиатнинг ройиши ўзга...
Бир-бир учиб олтин япроқлар,
Қуз йўлига ёзар поёндоз.
Шарбат фасли тенг-тўкин чоғлар —
Ўтиб такрор бошлангудек ёз...



Кўзим тўрт термулиб жонон,
Жамолингни кўролмайман.
Саломат борми жоним деб,
Тилим боғли, сўролмайман.
Ҳушим йўқ зарра парвойим
Утар йиғлаб йилу ойим —
Кўйингда изланиб доим,
Бирор ерда туролмайман.
Юрагим пора-ю, пора
Кишим йўқ жонима ора,
Сурилган элда овора,
Маломатдан юролмайман.
Дилим айтарга ҳолим йўқ,
Куним битмас заволим йўқ,
Улиб кетсам уволим йўқ,
Изинг кўзга суролмайман.

ИЛҲОМ ПАРИСИГА

Қай кун эди қалам бериб: — Ёз деганинг,
Баҳор ишқин дилга солиб бир қарашда.
Баҳор сенинг чиройингга нисор бўлсин,
Тенгинг борми назокатда, кўзу қошда?
Қалам ўша қалам қошинг адосидек,
Ҳар сўзда бир қоғоз бетин қоралайди.
Ҳар боқишинг умримга бир умр қўшиб,
Хаёлингдан сочимга оқ оралайди..
Сен — ёз дейсан, жоним, кулиб ҳеч парвосиз
Ҳали боқиб кўзларингга тўйганим йўқ.
Тонг елидек этагингни ўйнаб, қучиб,
Мен кўйингда кезмакликни қўйганим йўқ.
Ёзар бўлсам бир эмас, минг дostonим сен,
Аввал юрак уришларинг уқиб олай.
Жон ўртовчи сўзларингга сўз топмакка
Кўзларингнинг имлосини ўқиб олай...

II. ШИНГИЛ ШЕЪРЛАР

СЕНИ СЕВАМАН

Севгисиз юракнинг баҳори бўлмас,
Севгилим сен фақат, жоним сен ишон.
Ўтли боқишларинг киприк ўқига —
Ешликда кўнглимни қилганди нишон.
Бағримдан ургандинг шундаёқ мени,
Оёғинг остига тушгандим қушдай...
Кўзимни очсам мен кексалик етиб,
Ешлик ўтиб бўлган бир тонгги тушдай.
Ҳамон сени дейди бу ошиқ кўнглим,
У йиллар ўтса-да, қаримас ҳамон.
Қалбимга ёзилган меҳринг бир умр
Учмайин чорлайди ёшликка томон.

ОДАМЛАР

Нега бунча қизиқ одамлар,
Йўқ ерларни кўрар кўзлари.
Сочим оқи уларга эрмак,
Мендан нари ўтмас сўзлари.
Ешликдаги оловлигимни
Эслаб: — Сен ҳам қаридинг дерлар.
Яна рашкда ўртаб: — Сен нега
Деразамдан қарадинг дерлар.
Мен ҳайронман, қараган ким-у,
Қариган ким? Бунча шошарлар.
Қачон улар мени англашиб,
Кўнглим билан ҳисоблашарлар...

* *

*

**Баҳор, баҳойлиғни мен беролмайман,
Бисогим етмайди таърифинг этсам.
Тоғдайин қалб керак, бунга ожизман,
Бутун борлиғингни унга беркитсам.
Сен шундай фусункор, олам ошиғинг,
Сен билан безайди ёшлик номини.
Сен деса гўзаллик пешвоз йўлингда,
Чечаклар кўтарар ҳаёт жомини...**

УТГАНЛАР

Утганлар, изингиз қолди яхши ҳам,
Яхши ҳам белгисиз йўқолмадингиз.
Минг афсус, бафуржа яшаб биздаинг,
Утган авлодларни йўқолмадингиз.
Бир келиб-кетдингиз тонгги тушсимон.
Кимлар кўрди, кимлар кўролмади ҳам.
Сизга ҳасад билан боққан соялар
Шарпасиз йўқолди, кўр олмади ҳам...
Йўқ, сизлар ўтмаган, ўйлайман, холос
Шунчаки қисматга куйинганимдан.
Бир тутам бўлса-да, эзгулик учун
Яшаган умрга суюнганимдан.

ОШИҚ КҰНГИЛІ

Ошиқ кўнглим нима истар,
Айтганига қўйиб беринг.
У интизор ишқ майига,
Бир пиёла қўйиб беринг.
Тўйганича беринг, дўстлар,
У маст бўлсин, келинг, майли.
Мажнунлигин ошкор этиб,
Кўнглин очсин кейин, майли.

АФСУС

Афсусга ўрин йўқ деймизу лекин
Уни кутмаганда ёнингдан чиқар.
Ҳаётда афсуссиз бўламан дея,
Керилиб юрганнинг ёдингдан чиқар.
Яна тан олмайсан афсус деб уни,
Тасодиф ўрнида фақат санайсан.
Вақт ўтгач пишмаган ярангни тирнаб,
Ўзингча тиззангга уриб саннайсан.
Худди шу афсусни мана мен кўрдим,
Афсуски бир эмас минг бор айтаман.
Хаёлан чувалган ўйларим билан
Ўтган гул ёшдигим сари қайтаман.

ҚОРА ҚИЗ

Мисдек танда заъфар кўйлаги,
Утдан яралгандек қора қиз.
Қорамағиз қизлар ичида
Назокатли бирам, сара қиз.
Гулларга сув берар кеч билан,
Гул мубтало бўлгандек гулга.
Асли билсам гул баҳона-ю,
У сув берар экан кўнгилга...

* *

*

Мени шоир дерлар кўплар ҳазилсиз,
Шундай деб аташар чақирсалар ҳам.
Ҳа, демай бўлмайди — шоир дейдилар
Пиёла узатиб, чой қуйсалар ҳам.
Лекин мен зил кетиб ўйлайман шунда,
Шоир ким? — саволин бериб ўзимга.
Шеърят осмонин кўёши буюк
Сиймолар кўзимдан ўтар бир зумга.
Кошкийди у раҳмат дарёларин бир
Томчиси ўрнида оқа олсам мен.
Бир шоир яшаган кўҳна ҳужрани
Супириб, чирогин ёқа олсам мен.

* *
*

Нечук бе хори гулдирсан,
 Жамолинг шавқидин мастман.
Сенинг бир боқишингга
 Икки олам берса, бермасман.
Кўйингда борману ёлғиз,
 Ҳавасдан ўзга чорам йўқ,
Висолинг неъматидан —
 Бенасиб, бетоле, бекасман.
Утар умрим оёғинг остида хор,
 Соврилиб, сарсон,
Сен э — кимёназар, мен —
 Бир қисим тупроқ ила хасман.

ҚУШЧА

Бир қушча чирқираб, хас-чўп ташмалаб,
Хў, дарахт шоҳига уясин солди.
У ҳаёт ишқида ҳорганин билмай,
Зир елди, кўп ўтмай болалаб олди.
Энди у яккамас, оила боши,
Тўйдириш фикрида палапонини.
Ўзи оч қолганин сезмай, қушчалар —
Оғзига ташлайди топган донини..,

* *

*

Қувонмайин баъзан койийман,
Шўхлик қилиб ўғлим ўйнаса,
Тошдек чўкиб ўлтирмасмиди,
Мендек фикр қилса, ўйласа.
Ешлик қилар дейман мен яна,
Ешлик — ўйин-кулги билан маст.
Албатта у мен бўлолмайди,
Ҳа, ҳеч қачон мен ўғлим эмас.

ҚОШКИ

(Баъзи бировларга)

Чибиннинг ҳам учирар
Қаноти бор қарасанг.
Чивинчалик кошкийди
Сен учишга ярасанг.
Ардоқлисан яхши ҳам
Она ернинг кафтида.
Тухум турса пишгудек
Сўзларингнинг тафтида.
Кериласан ўзингдан —
Сен беҳабар қадрдан.
«Минг ўйлаб бир кес» деган
Элда гап бор қадимдан.

АРЧА

Арча безатилар, ҳар йил одатича,
Уйинчоқлар билан келинчаклардай.
Айиқполвон, ҳар ранг шар, қайиқчалар —
Шохларда тебранар беланчаклардай.
Болалар атрофин ўраб, қувнашиб,
Уйинга тушишар қўшиқлар куйлаб.
Фақат бир чеккада ҳорғин, хаёлчан
Менгина тураман ўтганим ўйлаб.
Қорбобо кўзларин кўзимдан узмас,
Изтироб ичида ерга боқаман.
Англайман, қачонлар ўтган ёшлигим —
Қариган чоғимда кимга ёқаман?

ГУЛ ҲАҚИ

(Шоир Ҳусниддинга)

Гул — муҳаббат рамзи дейдилар,
Гўзалликнинг қиёси ҳам гул.
Бир умрга қора киймасми,
Гулдан айри тушган ҳар кўнгил.

Сен — эй менинг ошифта кўнглим,
Гул дардида ёниб кўйлагин.
Ичқ шаҳидин кулиб ҳолидан,
Дорга илма қонли кўйлагин!

ЭСЛАШ

Тўқнаш келсак лаб учида табассумнинг
Шўхлик билан: Салом! — дея ўтар эдинг.
Сен ўтганча ўтардинг-ку, аммо мени
Эртаю кеч бир ўт бўлиб ўртар эдинг.
Йиллар ўтди. У қадрдон йўлдан бугун
Сўроқлайман баъзан ўша изларингни.
Танимасман сенинг балки шўхлик билан
Салом бериб ўтган ўғил-қизларингни.

ҚУЗИМ ШУНДАН

Қўлдан олиб кўзойнагимни,
Қулиш учун тақиб кўрасиз.
Ёки менга тақлид қиласиз,
Қўлга олиб кўзойнагимни.

Мен ҳавасга тақмайман буни,
Ҳатто қариликдан ҳам эмас.
Қарилик бу менга ғам эмас,
Мен ҳавасга тақмайман буни.

Кўзим шундай, кўнглим ойнаксиз,
Сизда бунинг акси эҳтимол.
Кўнгил равшанлиги эътибор,
Кўзим шундай. Кўнглим ойнаксиз.

КЎЗОЙНАКЧИ ҚИЗГА

(Ҳазил)

Илтифотинг учун ташаккур,
Кўзимга нур бердинг бир қараб.
Кўзим тузалди-ю, юрагим,
Енар бўлди қайдан бурқираб?..
Узинг топиб бер энди, жоним,
Бу юракнинг кўзойнагини.
Иўқ демагин, ошиқ кўнглим ҳам
Сендан топмиш ўз ойнагини...

НИШОНЛАЙМАН

Нишонлайман ҳар бир онимни,
Хўп саломат борлигим учун.
Саломатлик — туман бойлигим,
Бунча бахтга ёрлигим учун.
Шукрин дейман хуш кечган умрим,
Эзгу умидларим олдида.
Ҳали ёзар шеърларим кўп,
Насибам мўл менинг олдинда.
Ҳаммасини кўраман ҳали,
Нишонлайман ҳар бирини ҳам.
Қутмаганда «нишонлар» мени
Бир кун бевақт ўлим деган ғам.

III. ЙИЛЛАР ВА УЙЛАР

* *

*

Йиллар ўтар экан кунлар ўтгандай,
Сездирмай сочингга тушар экан оқ.
Кечайди юрганам кўча чангитиб,
Бугун мен отаман, кўзларимга боқ!
Хў анов чўкиртак қари жийдани
Бобом эккан баҳор ёнида эдим.
Айни умрим гули болалик ўтиб
Роса ўттиз йилдир, ҳосилин едим.
Умрим доvon ошди кечиб талай йил,
Жийда ҳам бобомдек қартайди ҳориб.
Ешлигим қўмсасам, ўша кўримсиз —
Дарахтни зиёрат қиламан бориб...

* *

*

Қарлик етганин сезмасам ҳамки,
Йилларнинг ҳурмати, тан олмай бўлмас.
Эй, кўнгил ёшлигинг ўтди дейман, бас,
Меҳнат ва ижоддан безмасам ҳамки.
Ҳаққим ҳам қолмаган чиқар ҳаётда,
Тўрт фасл бошимдан қирқ бор айланди.
Кимлар ўтиб, кимлар йўлга шайланди...
Лекин кўрганларим барчаси ёдда.
Мен тақрор яшайман, демайман зинҳор.
Насибам борини кураман бироқ.
Ижодим тамом ёш, сўнишдан йироқ.
Ҳали япроқ ёзар, ўсар, чиниқар.



Кексалар эласа болаликларин,
Уларга мен енгил тутар эканман.
Ешликда бугундан ўзим беҳабар
Кексалик йилларин кутар эканман.
Етишди у менга сир бўлган дамлар,
Энди мен эслайман ўз ўтганимни.
Қарилик етгандан бери билмайман
Ешликнинг хаёлини унутганимни..



Кеча бола эдик, ёшлик ўтибди,
Шундай тез яқинлаб кексалик келар.
Бирискун биз бобо номин олурмиз,
Туя эгаридек чиқиб елкалар.
Қарилик бу нуқсон эмас, албатта,
Тирик жон қартаяр, кетар ўлганлар.
Ва лекин ҳаётда кам учрар мендек
Ешлигин ишқида бола бўлганлар.



Ҳамон дейман ўша ёшлигим,
Гўё зарра қаримаганман.
Ҳа, кўнглимнинг кўнглига қараб,
Ойнага қарамаганман..
Балки етишгандир кексалик,
Улсам дерлар: — Утди-кетди-да,
Мен ёшликнинг хаёли билан
Кўнглим ҳамон шу — ўн еттида.

* *

*

Менга қирқ деб айтмайди ҳеч вақт
Еш ҳақида сўз очган киши.
Чунки буида ёшликни мангу
Яшаш фақат кўнгилнинг иши.
Баъзилар бор, қарир ҳавасга
Ингирмага етмаёқ ёши.
Мендекларга ишқ-муҳаббатдан
Дам урмаса пишмайди оши...

* *

*

Қариллик бу сочлар оқида эмас,
Сочи қора бўлиб қариганлар бор.
Қирқни қирчиллатиб ўн саккиз ёшдек,
Қалбида қайта ишқ дориганлар бор.
Умр шундай нарса, уни англасанг,
Қандай яшаш сенинг ихтиёрингда.
Ўт бўлиб ёшлик-ла юрсанг, кексалик —
Соянгдек ивирсиб ўтар ёвингда.

* *

*

Ииллар юкин ортмоқлаб мағрур,
Ошдим бугун умр довонин.
Манзилгача яна қанча бор,
Билиб бўлмас йўлнинг давонин.
Бу албатта муҳам бир нарса,
Ҳал бўлмаган қийин муаммо.
Умр йўли ҳозирча шундай,
Сирлигича қолмас у, аммо.

* *
*

Манзилгача қанча бор, билмай,
Фақат елиб ҳорар экансан.
Тўғри йўлдан тушиб баъзида,
Сўқмоқлардан борар экансан.
Одимлайсан ишонч тўла қалб,
Уриб тургач тинарми киши.
Лекин буни сезмайсан кўп вақт,
Жадаллашдир умрнинг иши.

* *
*

Умрни олтинга қиёс қиларлар,
Олтин топилару умр топилмас.
Умрингдан тангача йўқотар бўлсанг,
Ҳар қанча олтин-ла ўрни ёпилмас.
Бўлмаса нимага тенглашлик мумкин,
Буни айтолмайман, дўстлар, тўғриси.
Бу ҳақда ўйланиб ўтган фурсатининг —
Ўзи ҳам чамамда умр ўғриси.

* *
*

Олтин соат таққанларни кўрсам бир вақт,
Ёшлик экан, ўқиб кўнглим гашилар эдим.
Бугун уни менга шундай берсалар ҳам,
Олмай ҳатто ёнган ўтга ташлар эдим.
Олтин соат, ундан нима кутар киши,
Завқ олмаёқ кўйдим «чиқ-чиқ» юришидан.
Умрим ҳисоб билмай ўтсин, шу-соатсиз,
Айрилмасам басдир қалбим уришидан.

* *

*

Икки қош ўртасин жой этди бугун
Чингитдай тугунча қайдандир етиб.
Ҳа, унда ким билсин, не сирлар мавжуд,
Бирор омонатми кетган беркитиб?
У асло ечилмас, кундан-кун баттар
Чандилаб ташланар сездирмай, секин.
Очиб кўрмасам-да, йиллар меҳнати —
Тугунча эканин англайман, лекин.

* *

*

Куллар, ўтинг! Секин, сездирмай
Кетингиздан қараб қолмайин.
Мен бемаҳал қариб қолмайин.
Ўтинг кувлар, секин, сездирмай.
Ой-йилларни яратинг, майли,
Майли сизга рухсат берайин.
Изингиздан гуллар терайин,
Кўнглим найин сайратинг, майли.

* *

*

Ешликни беармон яшадим, майли,
Навбатим етибди, бугун кексаман.
Нима ҳам қилардим, айни ёшликда,
Бемаҳал кексалик дарди тегса ман.
Бундайлар кўп бўлган ўтни ўртар пайт,
Кул босган бир чўғдек қалбдан сўнганлар.
Булар гул ёшликни қадрин англамас,
Гўзаллик номига битган сўгаллар...

* *
*

Кексалик гап эмас, кўнглинг ёш бўлгач,
Ешларга улфатсан ҳамиша, ҳар вақт.
Юракда ғайратинг тошиб қўймаса,
Кексалик юкига чидаш берсанг бахт.
Сен ёшсан, соч-соқол оқин ўйлама,
Кўнглингдан ёшликни яша тўғриси
Юзларинг ажиндан сўлиб, сарғайса
Укинма, кексалик — чирой ўғриси.

* *
*

Мен қаридим демайман,
Ҳа, ҳали ҳорганим йўқ.
Ҳатто унинг хаёлини
Қилишга борганим йўқ.
Сочим оқи, бу — кўнглим
Ешлигидан нишона.
Лекин ажинсиз бўлмас
Ёшликданоқ пешона.

* *
*

Гўёки ҳолимга қайғиргансимон,
Баъзилар: — Ҳа, сен ҳам қаридинг дерлар.
Мен бунга парвосиз дейман: — Ажабо,
Сизлар қаримасдан қайда эдинглар?..
Улар ҳайрон бўлиб кулишар яна,
Гапларини тагига мен етмагандай
Ёшликни бафуржа яшаб, қарилик
Етганин уларга мен айтмагандай..

* *

*

Ҳаётга қарасанг, қаригинг келмас,
Кундан-кун сен қариб, у яшаради.
Бу яшаш қонуни, бу абадият,
Кексалар ўрнини ёшлар олади.
Ҳа, кўнгил ўзгармас экан биргина,
Ешлигинг ўтиб ҳам қаримас экан.
Қарилик етганин сезса ҳамки у,
Кўнгил-да, қайрилиб қарамас экан.

* *

*

Кетимда бирор из қолдириб кетсам,
Ҳаётга келишдан шудир мақсадим.
Бунинг-чун, минг кўйга тушиб, зоҳиран,
Кенг йўлга чиққунча талай оқсадим.
Дардинни билмаган тутиб таънага,
Кетимдан кесаклар отиб кулишди.
Шеър ишқи, юракдан ёнганимда мен
Қотиб-қотиб яна ётиб кулишди.
Мен жадал манзилга тикканча кўзни,
Олдинга ташладим ҳормас одимни.
Манзилга етганда дедим ўзимга:
— Тавба, билиб бўлмас экан одамни...

* *

*

Қушдайин хушбинчим йигит эдим мен,
Не-не гўзалларни қолдирган доғда.
Соядек шарпасиз йиллар ўтибди,
Утган эсланаркан қариган чоғда,
Лекин кўнглим ҳамон ўшаман дейди,

Уша ёшлик даврин қўмсар дамо-дам.
Нега энди ақлим тўлди деганда,
Бевақт кексаликка йўл берар одам?

* *
*

Бир нарсани унутолмайман,
Бир нарсамни йўқотгандайман.
У нимади, уни эсламай,
Сўроқламай турай қандай ман?
Уни менга нега берганди,
Бунча барвақт оларкан қайтиб?!
Қолган умрим унинг ҳажрида,
Ўтар юрак дардларим айтиб.

* *
*

Бу қўллар кимларнинг қўлини тутмаган,
Бу кўзлар кимларнинг йўлини кутмаган..
Ҳаммаси бир тушдек ўтаркан, эссиз,
У шамол ялаган саҳродай исиз.
Нималар кирмаган бу қулоқларга,
Меҳнаткаш оёқлар, мени кўтарган.
Сой тоши деганча бор инсон боши
Кўрган баҳонаю умр ўтаркан.
Болалик йилларин эслайман баъзан,
Арзимас умрга қаригинг келмас.
Гул бериб сеҳрлаб ўтган ёшликнинг
«Вафосин» эсласанг, қарагинг келмас.
Эсламай бўларми, бироқ фойдасиз,
Фойдасиз дейману такрор эслайман.
Ортмоқлаб олганим — кексалик юки,
Ҳолимга қўймайди, узоқ эснайман,

* *

*

Уйлар мени уйлантиради,
Бўз йиғитдай уйлантиради..
Узимда йўқ яйраб кетаман,
Неки орзум бўлса етаман.
Кўнглимда ҳеч армоним қолмас,
Лекин уйлар қанъти ҳормас.
Уйлаб-уйлаб охир толаман,
Яна аввалгимдай қоламан..

* *

*

Уйларсиз, кексалик етиб ҳам бўлса,
Қўзилмай алжийди тентак мисоли,
Тегирмон гардига ботган сач-соқол,
Нотавон кўнгилда ёрниг висоли.
Англаймэн, ёшлигим ўтган қанчалар,
Орзум ҳам сиз учун кулги туюлар.
Мен қанча қартаймай, яшарар шунча
Қалбимни қуршаган ширин туйғулар.

* *

*

Мени уйлантирар қизиқ бир нарса
Негадир баъзилар ёшин яширар.
Баъзилар ёшига ёш қўшиб бунда,
Яна ҳам кишининг ақлини шоширар.
Улар англашмасми, умр деган сўз,
Еш билан ўлчанмас, ншга қарайди.
Мана мен ҳеч қанча яшамагандек,
Қариллик етганда сочим қорайди..

* *

*

Ёшинг қирқдан ошди дейдилар,
Қирқдан, дейман, ажабо, бунча?
Қирқ гулидан ҳали бир гули
Очилмаган ўйларим ғунча...
Сочим оқин пеш қилиб кўплар
Кулишарлар: — Кўнгил қаримас.
Чиндан шундай қорли чўққилар
Бағридан ҳеч баҳор аримас.

* *

*

Қариликни ўйлама, дединг,
Ўйлаб қолдим бирон гап бордай.
Юз-кўзимни қоплаб ажинлар,
Соч-соқолим оқарди қордай.
Бир нафасга кечирдим бошдан
Қариликнинг қандай эканин.
Шунда билдим, ёшлик томирлар
Бўйлаб чопган қондай эканин.

* *

*

Кутишининг азоби, оғир, дейдилар,
Ҳар қанча оғир бўлса ҳам кутардим.
Кутганим кутдириб келмаганда ҳам
Йўлига интизор мен кўз тутардим.
Афсуски, ёшлигим ўтган қанчалар,
Ҳар қанча ёлбормай кутдургувчим йўқ.
Кутдирган дамларнинг хаёли билан
Бир чигал калавадурман, учим йўқ...

IV. САККИЗЛИКЛАР

* *

*

Мен ошиқман — шеър мубталоси,
Сен ўзингча ким деб ўйлайсан?
Аҳволимга кулиб, қушдайин —
Парларимни юлиб ўйнайсан.
Ачинмайсан кўзда ёшимга,
Раҳминг йўқми бир заррача ҳам?
Лайлосини излаган Мажнун
Фарёдидан сенга нима гам?..

* *

*

Ўзинг ўчир ёққан ўтингни,
Ўзинг совит мени ўзингдан.
Токай энди ўртанай сенинг
Бу бераҳм хунхор кўзингдан.
Ҳарна қилсанг қилгил, биргина.
Қалбимни бер, қўйгин ҳолимга.
Таъна тошин отиб кетимдан,
Қулма менинг бу аҳволимга.

* *

*

Кўнглим камол топар хаёлинг билан,
Сен десам ечилар қалбим тугуни.
Кечам шундай ўтди ижодга тўла,
Сен, ёшлик, шонларга пуркадинг уни.
Бугун ҳам кечамдек бўлар шубҳасиз,
Эртамни бир бошқа кўраман лекин.

Қариллик етганда ўтган ёшлигим
Қўмсаган бу юрак нималар деркин...

* *
*

Сени деб ҳаётдан кимлар кетмади,
Ким сенга етди, ким етолмай кетди.
Кимларнинг юракда қолиб армони
Кимсага дардини айтолмай кетди.
Йўлингга термилди кўзи тўрт улар,
Умрлар ўтди-ю, йўқ, сен ўтмадинг.
Кўринмай ўртадинг узоқ-яқинни,
Жонларга туташган сирли ўтмидинг?

* *
*

Қуёш каби фикримдан униб,
Зўр оташдек қалбимга ботдинг.
Уртагудек бутун вужудни,
Баҳор ишқин дилда уйғотдинг.
Шундан мени етаклаб кетдинг,
Қайга, қандай, манзилинг айтмай.
Мен баралла сўзладим элга,
Юрак дардим эдинг, беркитмай.

* *
*

Сени десам болалаб кетар ўйларим,
Сочларинг тун бўлар, юзинг кундузи.
Кўзларинг бу умрим тонгидан дарак —
Бергувчи кўкдаги Зуҳро юлдузи..
Қувнайман тундаги бир йўловчидек,
Кўзингдан кўзимни узмасам дейман.

Болаланг ўйларим, болаланг майли
Бу кўзлар ёшида сузмасам дейман.

* *
*

«Дўстликни ким берган, меҳр қаерда?» —
Саволин бердим бир доно кишига.
У деди: — Бирор сўз айтишлик қийин,
Кўнгилнинг бу қадар нозик ишига.
Меҳрни кўзда деб айтишар, лекин —
Дўстликни ким берган экан одамга?
Кимдир уни қалба ундириб, сўнгра
Пархиш қилган бўлса керак оламга.

* *
*

Сув бўйида сопалак ўйнаб,
Кун бўйича елиб ҳормасдик.
Бу ўткинчи тушдек болалик
Утар деган ўйга бормасдик.
Мана ўша кутмаган дамлар.
Етибди ҳам, қарибмиз, қизиқ.
Тарам юзда қаймоқ излари
Утмиш йиллар ташлаган чизиқ.

* *
*

Айрилмасин она боладан...
Еру кўкка ишонмас уни.
Фарзанд билан меҳри баробар
Туғиларкан, туғилган кунни.
Жондан ортиқ севар у шундан,
Яхши-ёмон, майли — фарзанд-да,

Етмиш ёшга кирса ҳам ҳатто,
Етти ёшдек унга арзанда.

* *
*

Кечиринг дардимни ёзолмасам мен,
Гарчи сатрларим руҳсиз туюлса.
Бугунча шунчалик, зора эртага
Утган ёшлигим-ла бирга қуюлса.
Кечиринг, ёшликни рўқач қилдим мен,
Ёшликнинг ўзи шеър бунда даҳлсиз.
Ёшликни деганда ёшимни эмас,
Қўнглимни тушунинг дўстлар ахир сиз.

* *
*

Тонг билан баробар юз очсам дейман,
Нафасим тонгдайин беғубор бўлса.
Тонг ели мисоли, эркалаб эсан
Бошимда парвонам эзгу ёр бўлса.
Бир умр яйрасам, яшнасам бирга,
Ҳаётда кўрмасам ҳижрон отини.
Қўлимда тебраниб турса қаламим,
Ҳар сатрин беролса минг гул тотини.

* *
*

Бунча бино қўйдинг ўзинга,
Бунча менинг рашкимни қўзғаб?
Баҳор ели эмасман-ку, ёр,
Утиб кетсам кокилинг тўзғаб...
Баҳор ели эмасман асло,
Умрим елга қилмагин қиёс.

Лекин сенинг хаёлинг билан,
Жоним, руҳан чувалганим рост.

* *
*

Ишим битгани шу, фикрлар пишиб,
Сатрлар тизилса шода маржондай.
Шошманг, шода маржон бу зийнат учун
Шеърим-чи — борлигим, танимда жондай.
Йўқ, жон ҳам вақтинча таннинг меҳмони,
Уйлаброқ сўз айтмай, кўнгишлар тўлсин.
Мен ўлиб тупроққа айлансам ҳам у,
Улмасин, умримнинг давоми бўлсин.

* *
*

Узоқ тунлар кўзим уйқуда,
Дилим уйғоқ кимнидир кутган.
Кимга бунча муштоқ эканман,
Ким шунчалик интизор этган...
Ҳар кун шундай меҳмонин кутиб,
Сокин тунлар тонгга улашар.
Хоҳи келсин, хоҳи келмасин,
Юрак унинг меҳри-ла яшар.

* *
*

Кўнгиш иши, шоирлик қизиқ,
Бутун умринг ўйлаб ўтади.
Сен ёнганда ижод ишқиди
Олтин дамлар ўйнаб ўтади.
Лекин кўнгилинг ёришмас асло
Бирор қўшиқ яратмагунча.
У ҳосилсиз ўтган дамларни
Ўз кетингдан қаратмагунча.

* *

*

Қалам билан кўнгилни ёзаман,
Қалам англари юрак сўзимни.
Шу қалам-ла мангу бахтиёр
Ҳис этаман, дўстлар ўзимни.
Қалам бөрки, тунлар меҳнатим
Зое кетмас, кўчириб оққа,
Рухсат этинг, тонгдек беғубор
Қоғозга ҳам раҳмат демоққа.

* *

*

Икки кўлим орасида ўйчан бошим,
У кўнгилнинг таржимони, фикр-ла банд.
Ўйлар асов, саркаш ўйлар тутқич бермай,
Учар баъзан, баъзан босиб келар тирбанд.
Қай куч уни нўхталайди, мумкин эмас,
Кўнгил йўлини тутган фақат шу бир бошим,
Ўйлар унинг итоаткор мухлисидай,
Шу ўйларнинг ишқи билан ўтқи ёшим.

* *

*

Куз — кексалик тинсоли бўлиб,
Кўринадир недир кўзимга.
Адоғ бўлсам йиллар меҳнатин,
Олмайдесам бўлмас ўзимга.
Ешлигим-ку, ўтган қанчалар,
Кўнгилни ўлмас, недир кўзим оч.
Куз дарахти каби қалтираб
Шивирлайди руҳим яланғоч...

V. ТҮРТЛИҚЛАР

Минг ўйлаб, бир яхши гап айт қадрдон
Жонга озиқ бўлсин гапинг, қадрингдан.
Сўз — гавҳар дейдилар, сен ғаввос бўлгин.
Мастдек совурмагин ошиб қадрингдан.

Ҳар дардининг бир табиби бор,
Табибнинг минг дармони.
Ишқ дардининг давоси йўқ —
Бу ошиқнинг армони.

Кўнглинг равшан бўлгач шам нима керак,
Шодлик турган ерда ғам нима керак?
Кўнглинг ёришмагач, ёруғ дунёда
Буцдай тириклик ҳайф, дам нима керак.

Ҳали айтилмаган гаплар нечадир,
Бизга қоронғидир, тунд бир кечадир.
Бу кеча сиридан огоҳ бўлганлар
Ҳар мушкул жумбоқни осон ечадир.

Ҳар нарсага куласан,
Кўп кулма, букиласан.
Ҳориб кўзинг ёшланар,
Кўнгилсизлик бошланар.

Ҳозиринги ўйловчи бўлма,
Ҳали сени эрта кутади.
Эртанинг ҳам эртаси бор, ҳа —
Этагингдан маҳкам тутади.

Тўғри бўлсанг койимайсан,
Эгриликдан бойимайсан.
Тўғрилиқдан зинҳор қолма,
Олтин берса текин олма!

Каттанинг ҳурмати ёши биландир,
Катта катта сўзлар, кичиклар тинглар.
Кичикнинг каттага катта сўзлаши
Кимга ҳам ҳуш келар, қани айтинглар.

Ҳаёт бизга беш кунлидир,
Сўнгра берар йўлимизни.
То шунгача оғзимизга
Тиқамиз беш қўлимизни.

Сабр таги сар олтин,
Сабр қилгин сен олдин.
Сабрсиз бўлган киши
Соврилиб кетар ҳолдин.

Яхшилар суҳбатин эшитиб дейсан
Ўзингда йўқ, хурсанд: — Сув бўлиб кетдим.
Мен сувдек ҳаётга хизмат этсам деб,
Қалбимни шу тўрт йўл шеърга беркитдим.

Ешликни гул десак, севги — боларни,
Ешлиқда нуқсонсиз бўларкан, бари.
Қариллик етишгач, сендан барчаси
Ўзрсиз узоқлаб кетаркан нари.

Бўғиб ташлайдилар мени ўйларим,
Бир ҳолда ўзимга яна қайтаман.
Шунчалик бўлгани учун ҳам, қаранг,
Тақдирдан мишнатдор шукрим айтаман.

Ким яхшию ким ёмон
Буни айтишлик қийин.
Яхши бўлар ёмон ҳам
Тузалиб бир кун кейин.

Ҳаётга келдикми, бир кун кетамиз,
Шошилмай борсак ҳам барвақт етамиз.
Беш кунлик умрдан ким, қанча рози —
Хотиржам биз она ерга айтамиз.

Одамлик аввали салом биландир,
Шу бир сўз ҳар ерда кўнгил хуриши.
Саломсиз ундаган ишинг унмайди,
Чунки бу мақсаднинг хамиртуриши.

Яхши гап яхшилар учун ярашар,
Ёмонга яхши гап ямоқдай бўлар.
Яхшилар, жонингга жон бўлай деса,
Ёмон ёқа йиртиб, ёмоқдай бўлар.

Эркалаган фарзанд эгри ўсади,
Чақир тошдай ташлаб қўйсанг ҳам бўлмас.
Яхши-ёмон сўзни десанг вақтида,
Бир кун келиб ўз бошингга ғам бўлмас.

Илон белбоғ бўлмас, чаён тақинчоқ,
Ҳазар қил аларнинг заҳру нишидан.
Элга озор етар илон-чаёндан —
Хўброқ сен омонлиқ кутган кишидан.

Инсон дарахт бўлса, фарзанд меваси,
Мевали дарахтга тош тегар экан.
Мевасиз дарахтлар бундан бенасиб,
Бемаҳал болтага бош эгар экан.

Сенинг донолигинг менга балодур.
Ҳар неки балони тилдан олади.
Мен учун дур якто бўлгандан кўра
Садафдек беқадр бўлсанг аълодур.

Айтганинг оласан, ерга эгилсанг,
Она ер фарзанди ерга тортади.
Ҳаволаб кетмайин паст бўл, қадрдон,
Садафдан дур бўлиб қадринг ортади.

Ҳамма ҳам билади, дунё ўткинчи,
Ичида кетмаса киши ўкинчи.
Одамзод мисоли бир дарахт бўлса,
Уни кесиб йиқар фалак ўтинчи...

Йўл тамом бўлмайди юрганинг билан,
Киринг аримайди ювганинг билан.
Шундай шитоб билан умринг ўтарки,
Унга етолмайсан қувганинг билан.

Қошинг қаламидан қаддим дол бўлди,
Кўзинг жодусидан тилим лол бўлди.
Юзинг қуёшидан баҳраманд кўнглим —
Маошсиз қолдирдинг, не малол бўлди?

Меҳмон келса, ош-нон учун келмайди,
Ош-нон учун борсанг борма ўзинг ҳам.
Бугдой нонинг ўрнин босар қадрдон,
Нонинг бўлмай бўлса бугдой сўзинг ҳам.

Томчида оламни кўрамиз, лекин,
Оламда нима гап, қизиқсинмаймиз.
Бу ҳақда ким нима деса дегундек
Суврати одаму қуруқ сурнаймиз...

Ешим эллик билан олтамиш ораси,
Фарзандларим жоним, кўзим қораси.
Улар кўз-қулоқсиз, ўт олов вақти
Тинмагур ёшларнинг мен овораси.

Юзинг шуъласидан кўзим равшандир,
Сочинг занжиридан дил паришондир.
Қошингни ёй қилиб, айри боқмагил,
Киприк ўқларингга кўксим нишондир.

Кўз очиб юмгунча ўтиб бўламиз,
Ўтиб бўлиш демак ўтин бўламиз.
Ўтин иши фақат ёниб кул бўлмоқ,
Енгунча ҳам неча тутун бўламиз.

Яхшилар хаёли ўзи бир олам,
Шу олам бор экан, борман аввалам.
Борману, ўзимдан ўзим беҳабар,
Яхшими, ёмонман, сизга ҳаволам.

Ерга салом бердим тушиб муккамдан,
У алик олдим, олмадимикан?
Паришонхотирлик важдан дейман:
Вужудим жисмида қолмадимикан?

Ўйласам ўйимга сизмас эдинг сен,
Ўйламай дейишга яна бўлмасди.
Ҳаётда хаёлинг билан бор эдим,
Хаёлинг бўлмаса ёниб бўлмасди.

Отанинг кимлиги — болага мактаб,
Яхшими, ёмонми отам бўлай дер.
Отаси бообрў одам бўлганинг
Боласи отамдек одам бўлай дер.

Қўшнинг бор, қўш оғизли —
Милтиқдай бағринг бутун.
Елгиз ёғоч ёнолмай,
Чиқарар аччиқ тутун.

Аёлинг оқила бўлса, роҳатда
Яшайсан, умрингнинг тенги бўлмайди.
Емони ёндираб, ёнган шўрликнинг
Либосин ёқаю энги бўлмайди.

Нафас — бу тириклик нишонасидир,
Юраклар уриши нафас туфайли.
Нафас қайтмасин деймиз шул сабаб
Умримиз нафасга қайтса майли.

Емоннинг ёзиғи йўқ чеккасинда,
Ичида пинҳондир унинг оласи.
Беозор бақадан қанчалар кўркам
Ясоғли тойчадек чаён боласи.

Ризқини тергувчи, сочгувчи ҳам биз,
Соғ танда жароҳат очгувчи ҳам биз.
Тўғри йўл турганда эгрисин танлаб,
Қоңқоңга урилиб қочгувчи ҳам биз...

«Ош» деса оламиз «қани-қани»сиз,
Иш бўлган ерда-чи, ҳа, ўйланиброқ.
Биз бўлган дастурхон устида шундан
Ишлаган есин деб димоғу фироқ.

Гўзал ўзин гўзал демайди,
Дейишга ҳам бермайди ақли.
Чин гўзаллик шундай, истаса,
Ойдан хирож олишга ҳақли.

Бош омонми, дўппи топилар,
Ҳар ишга бир куйиб-пишма сен.
Ҳа, айтганим-айтганда деб ҳам,
Ўзингда йўқ кўнчиб шишма сен.

Одам либос билан одам дейдилар,
Ақлу идрок билан демаслар зинҳор.
Чиндан ҳам донолар нодон олдида
Ҳамиша сарнигуң, забуң, хокисор.

Қалбимни чақмоқдай тилкалаб кетди,
Ўтли нигоҳларинг бир қараганда.
Нишонга бехато отган ўқларинг,
Урнин топармикан қариганингда?

Оғзимиз куймаса ўтни ҳам ердик,
Ҳали ҳам ҳазилсиз татиб кўрамиз.
Урташин кўриб ҳам ўтдан қайтмас
Оғзи кўрамузу нафси ўрамиз.

Мени шоир дерлар, ҳазилсиз,
Шоирману, ўрним кейинроқ.
Йўқ, илгарроқ туришим мумкин,
Лекин кейин туриш қийинроқ.

Ўтган ёшлик қайтсаю
Висол билан бўлса кечам.
Қун кўзини кўрмасам ҳам,
Тонг отмасин дердим ҳеч ҳам.

Яхшисан феълингни кенг тутганингда,
Кекса — ёш барчага тенг юққанингда.
Тор бўлсанг тоғоранг тўнтарилгану
Еқмасдинг сен ҳатто ўз туққанингда.

Яхшига бориғни бағишласанг кам,
Ёмонга ёрилиб бужор сўз дема.
Кимни ҳам манзилга омон етказган,
Шунчаки лўстлоқдан ясалган кема?

Оғзим бор деб сайрайверма кўп,
Қулоқ керак сени тингларга.
Қуруқ сўздан сукут афзалдир,
Сукут вожиф сен тенгиларга.

Ешимни сўрадинг, айтдим борини,
Ёшликка бординг-да, айб қилдинг сен.
Қарилик етганин солиб юзимга,
Ноғиҳон кўнглимни майиб қилдинг сен.

Ҳаётга келдингми, вақти бемаҳал
Яхшидан ёмонга йўйма отингни.
Замон фарзанди бўл содиқлик билан
Сен унга тўғрилаб ол соатингни!

Бола ниҳол, қайга эгсанг қайилади,
Яхши боғбон ниҳол учун қайғиради.
Парво қилмай ташлаб қўйсанг ўз бошига
Эгри ўсиб, фарқ этар у кўз ёшига.

Тирикликнинг аввали уйқу,
Уйқу дерлар, тўғриси ҳам шу.
Қаридикда майли, узрли —
Гул ёшликнинг ўғриси ҳам шу.

Янгининг янгиси оҳори бўлар,
Янгида умрининг баҳори бўлар.
Эски — эси кетиб, мудраб эснайди,
На ўзин дейди, на сени эслайди.

Кераксиз нарсани керак дейдилар,
Мевасиз дарахтни терак дейдилар.

Ўзлари ўзгалар пандига муҳтож,
Яна ўзгаларни тергаб дейдилар.

Кўнгилининг кўзи йўқ, кўраман, дейди,
Лекин йўл бошловчи ақл — кишига.
Кўнгилининг йўлига юривчи — нодон,
Бу йўлда вафо йўқ оқил кишига.

Эрнинг эрлигин кўрмай,
Унга қуллуқ қиламиз.
Ерни — елча билмайин
Минг хил қилдиқ қиламиз.

Ҳаёт кўча, биз ўткинчи,
Ҳаётсиз ҳеч ўткинчи йўқ.
Кўзим доим шу кўчада,
Мен кутганим ўтганча йўқ.

Гўра пишиб ҳалво бўлади,
Ҳалво пишса қуруқ куюнди.
Гўра эдинг шира олибсан,
Меёрингдан ошма, қўй энди.

Тўғри сўзга «туя чўқар» дейдилар
Эгри билан ўчакишиб койима.
Тўғрилиқдан тўрванг таги тешилсин,
Ҳирсинг ошиб, эгриликдан бойима.

Кечани минг бўлиб ўтказай, майли,
Кундузлар меҳнати билан ҳорайин.
Умрлик оромим бериб ҳам бўлса,
Маъзияга ёруғ юз билан борайин.

Ердан изла, йўқстганингни,
Кўкка боқиб қачон етасан?

Тик ёгочга тирмашар бўлсанг,
Иштонингни бекор йиртасан...

Кутмаганда бўй қўйган
Дарахт учрар яшинга.
Ҳаволалма сен бунча,
Раҳм қил бир бошингга.

Секин борган тоғиб борар,
Чопиб борган кетар чапга.
Борар еринг унда қолмай
Қулоқ бергин бир оз гапга.

Нишиқ уйлар қурган уста, яхши уста,
Емон уста қилган иши, ях устида.
Ешлигиндан қўл учида иш қилмагин,
Эл кўнглини ёз қилгину, қиш қилмагин.

Кўзинг очиқликда оламни кўргин,
Ширин, аччиқликда одамни кўргин.
Кўз очиб юмгунча ўтар ҳаммаси
Яхшиси ғанимат ҳар дамни кўргин.

Мардлик дерлар ўлимни енгар,
Мардлик сўзин мазмуни ҳаёт.
Биз мардлармиз, шу мардлик ҳақи
Мангуликка ўлим бизга ёд.

Дўстлик-ла бошимиз мудом осмондир,
Дўстликнинг ҳурмати элга посбондир.
Бутун фазилатлар нияда танҳо
Дўстлик фазилати дўстга хосман дер.

Пахта бу кўзимиз оқи десак кам
Пахтадан умримиз боқий десак кам.

Мўл ҳосил тўйига тўйиб бориб ҳам
Тўлдириб қуй, қани, соқий десак кам.

Ёмон дўст бу ёвдан хароб,
Босган изинг қузатади.
Йиқилганда силланг қуриб,
Сув деб заҳар узатади.

Қайнатмакка қозон яхши,
Лекин масаллиғ билан.
Қозон топган масаллиқни —
Топмас осонлик билан.

Қарилик ҳақида талай гапирдим,
Лекин айтолмайман қалай гапирдим.
Шунчаки тасаввур, йўқ, даъво эмас,
Ҳеч дард бу дарддайн бедаво эмас.

Қўра туриб оқни қора дейдилар,
Қорани оқ қилиш учун ожизлар.
Худо бўлмоқ истарлару, начора —
Бандасидан қўрқар «яжуз-мажуз»лар.

Сипо сиринг олиб саволга тутар,
Узинг билмайсанки, сендан не кутар.
Токи тузоғига илинтиргунча
Қадим қадрдонлик расмин унитар.

Ер фироқ қилмаса кўнглинг тўлмайди,
Фироқин оширса, яна бўлмайди.
Бир жонсиз суратдек сезгисиз бўлса,
Ҳасратда ўтару ошиқ ўлмайди.

Мени одам санамаслар бор,
Бунга зарра куйинмайман мен.

Гарчи одам деса улар,
Парвойим йўқ, суюнмайман мен.

Кўп гап чиндан эшакка юк,
Кам гап бўлсанг ютасан.
Уйлаб десанг эътибори
Баланд элу юртда сан.

Узинг куйла, гар куйлай олсанг,
Узгалар куйига бўлма маҳлиё.
Куйлашга қалб керак, қалбингдан сўра —
Дарди йўқ кесакдек соқовмисан, ё?

Ҳаммамиз бир одам, ёмонимиз йўқ,
Яхшимиз, кўнгилда армонимиз йўқ.
Аслида яхши-ю, ёмони нима,
Ҳеч қачон фарқига борганимиз йўқ.

Қишилар бор ён-веридан
Бир чимдим туз сўролмайди.
Элдан шаҳар сўраб олган
Яхшиларни кўролмайди.

Аввали боқишар бош-оёғингга,
Сўнгра саломингга алиқ олишар.
Башангсан ҳар қалай, иззат-ҳурматда.
Юпунлар баридан қуруқ қолишар.

Қўлимда бир сиқим тупроқ ўйнайман,
О, ўйнаш қаёқда, уни ўйлайман.
Менинг ҳам қисматим бир кун тупроқдир,
Тупроқки, лойи шўр, кули кўпроқдир.

Умринг ўтиб борар сезмайсан,
Соч-соқолни босиб оқ қиров.

Ўзинг учун ўзинг куймасанг,
Сенга қачон қайғирар биров?

Отинг ёмон бўлса ортида қоласан,
Ҳамроҳларинг яхши бўлса бўлгани.
Хотин зотин ёмонидан асрасин,
Ёмон хотин эрни тирик ўлгани.

Яхшига тушса ишинг
Бир лаҳзада осон этар.
Феъли бад ҳолинг кўриб
Раҳм айламас, сарсон этар.

Яхши қўшни қўшиқ айтсанг,
Қўшиғингга қўшилади.
Ёмон қўшни ёқа йиртсанг,
Қувончидан қуш уради.

Яшариб кетаман ёшларни кўрсам,
Бир дамга ўтганим қайта бошланар.
Ёшлик ўз меҳрига қонгани қўймас,
Қуёшга боққандек кўзим ёшланар.

Фарзанд қобил бўлса, бошинг хам бўлмас,
Яхши фарзанд ўсар, унар, кам бўлмас.
Фарзанддан буюрса дунё тоғанинг
Умринг шодлик билан ўтар, ғам бўлмас.

Болаликда бола эдим,
Қарибманки, боламан.
Болалик-ла боравердим,
Қарабманки, боламан.

Ерга қарамайсан, осмонда кўзинг,
Ўзингча осмондан тушгансан ўзинг.

Ёрда юрсанг ҳамки, хаёлинг осмон —
Осмондан келади ҳатто ҳар сўзинг.

Она фарзанд учун бир соябондир,
Ҳаммамиз фарзандмиз, бу сир аёндир.
Она меҳри гўё бир баҳри уммон
Қирғоғи кўринмас кўп белоёндир.

Иўқнинг сўзи юқмайди,
Борнинг сўзи бордайн.
У керилиб сўзласа,
Оғзи эски бордайн.

Бирор амал тегса, босар-турарни
Билмайин, кибрдан ҳаволанамиз.
Билмайман, табибсиз суяк сургувчи
Бу дарддан биз қачон даволанамиз?

Болалигим ҳамон этагим —
Тутиб мени шўхликка чорлар.
Ҳорғин аъзоларим узрли,
Қарилikka асир, ночорлар.

Пули молнинг, амалинг
Кетар, ўзинг қоласан.
Ҳозирингни ўйласанг,
Эртан юзи қорасан.

Манманлик менда ҳам
Сенда ҳам бўлар.
Балки сенга роҳат
Менга ҳам бўлар.

Кулги яхши нарса, танинг яйрайди,
Бир оз тин оласан, кулгандан кейин.

Бутун вужудингни ларзага солиб,
Қалбингни ғижимлаб йиғлашлик қийин.

Қўлим етмас ёшлигимга узатсам,
Ёшлик мендан, мен ёшликдан йироқда.
Рози эдим, ўтганимнинг ҳажрида,
Парвонадек куйиб битсам чироғда.

Ғафлатда ўтамиз, бедорлик қолиб,
Бедорлик олдида ғафлатдек қолиб.
Яна умрим ундай, бундай ўтди деб,
Эр-юртдан уялмай юрамиз нолиб.

Хомтама бўлмайлик умр ўткинчи,
Биз уни назарга илмай борамиз.
Бугунча шундай-ку, ёшимиз, эртага —
Ҳеч гапдай қарилик билан орамиз.

Сен элда қаңчалар топма эътибор,
Ўзингдан ўзгани зарра кам тутма.
Заррада атомлар мавжуд эканин
Ҳамиша ёдингда сақла, унутма!

Белингга ишонма, филча бўлсанг ҳам,
Элингга ишон сен, эл суягувчинг.
Элдан айри тушсанг — адо бўлганинг,
Ўзингни тутмакка етмайди кучинг...

Хотиринг жам бўлса, ишинг унади,
Хаёлинг паришон бўлса-чи, ҳайҳот.
Қалбингни ёрита олмагач қуёш,
Қўзингга зиндондек кўринар ҳаёт.

Очлигу тўқлигинг ўзингга боғлиқ,
Ўзинг тергувчисан ризқу рўзингни.

Осмондан ташлар деб қараб ўтирсанг,
Қарғалар ўйишиб кетар кўзингни...

Кекса-ёш озми-кўп яшариб, охир
Зарурат — ҳаётдан ўтармиз бир кун.
Шунда аламдийда, армон биланмас,
Мағрур кулиб туриб кетиш ҳам мумкин.

Минг йиллик умрни қўйсанг-да гаров,
Ешликнинг бир дами топмаклик маҳол.
Ешликда қозонган шон-шухратингни
Бошқа бир ёшликда кўрсанг эҳтимол.

Ешликни бир дарё десак, кексалик —
Унинг қуяр ери — денгиз аталар.
Неча манзилларни ўт бўлиб ўтиб,
Қуюлган чоғидир азиз оталар.

Белдан баланд бўлдинг — бола бўлмайсан,
Ҳамдам бўл ёнидан чиқиб отангга.
Вақтида меҳнатга эгилмас бўлсанг
Вақт ўтгач, ҳолингга дейсан: аттанг-га!..

Манзил қанча йироқ бўлмасин,
Бедорликда барвақт етасан.
Кўзлар бўлсанг тунлар роҳатин,
Қуруқ орзунг билан кетасан.

Оёқ қимирласа киши одимлар,
Оғиз қимирлаш-ла, зарра жилмайсан.
Оғзингга ишонсанг, эл-юрт олдида,
Оёқдан қолганинг ўзинг билмайсан.

Ўзим ота бўлсам ҳам, кўнглим билан боламан,
Хаёл қўлин узатиб, кўкдан ойни оламан.

Ёшлик меҳри қалбимда, қарилikka қарамас.
Бола тишим чиққунча, болаликда қоламан.

Осмон кўз ёш тўкса, ер мамнун кулар,
Кулкидан майсалар қадди букилар.
Ҳар йилнинг охири ханда дегандек,
Дам ўтмай еру кўк бирдек гуркирар.

Бугундан эртани аниқ кўрамиз,
Чунки яратувчи уни ўзимиз.
Ўзимиз гишт қўйган муҳташам бино
Мангу яшашига етар кўзимиз.

Ўйларим шамолга тутқизмай ўйнар,
Ўзим хонадаман қариллик этиб.
Ўтган ёшлигимнинг ҳажри ҳаёлини
Йиллар тугатолмас таърифин этиб.

Не мақсад шамолдек шашқолоқ бўлмоқ,
Утарсан ҳаётда изинг қолмайди.
Заҳматкаш тупроққа тўш бериб борсанг,
Номинг мангу яшар, ҳеч йўқолмайди.

Ҳаёт ширинлигин умримдан топдим,
Умрим ўтган сайин ширин туюлди.
Ҳаёт гўзаллигин меҳнатдан топдим,
Шеърим шира олиб, қалбдан қуюлди.

Ҳаёт мактаб экан, турмуш бир китоб,
Айирмакка фақат баланддан пастни.
Биз унда толиби илм эканмиз
Токи чиқазгунча сўнгги нафасни.

Яхшилик беназир, яхшилик ҳаққи,
Гулларга ўралур мангу ҳаётнинг.

Емонлик касб, этсанг, тиригингдаёқ —
Улгандек қорада ёзилар отинг.

Мен ҳаётга келгандан ҳаёл билан яшадим,
Ҳаёл билан топдимۇ ҳаёл билан ошадим.
Ҳеч ҳаёлсиз бўлмадим, топганим ҳаёл бўлди,
Неки яшадим, елиб чопганим ҳаёл бўлди.

Ҳамиша йироқ бўл кибру ҳаводан,
Йўқни сўзлар бўлма олиб ҳаводан.
Оғзинг чучурмиди «оҳ» деган билан,
Оти бор, ўзи йўқ қуруқ ҳалводан.

Ешликни ҳаммадан барвақт кузатдим,
Кексага санашди қаримасам ҳам.
Ешлигим ўтганин бўйнимга қўйди,
Қарилик етганда қарамасам ҳам.

Кекса дерлар, ғашим келади,
Ошиқмасак дейман бунчалик.
Кеча бола эдик сизнинг ҳам
Ешлигингиз ҳа, бугунчалик.

Ешликда жон койитганинг —
Қариликда жон роҳати.
Уч-тўрт кунлик — ҳаю ҳавас,
Битмас юрак жароҳати.

Узоқни ўйлайман нима бўлса ҳам,
Яқинга ўйламай етиш ҳам мумкин.
Узоқни ўйламай, яқинни кўзлаб,
Бирорта мақсадга етган бормикин?

Мен фасл танламайман,
У — йилнинг тўрт мучаси,

Лекин баҳорни дейди
Бу кўнгилнинг кўчаси.

Замонлар ўтару яхшилик қолар,
Яхшилик билан эл қалбдан жой олар.
Ёмонлик соясиз тунги шарпадек
Кун кўзин кўрмаёқ, тонгдан йўқолар.

Гоҳ тунлар сўроққа тутиб кўнглимни,
Яшашдан мақсадинг на, деб сўрайман.
Шунда ипак қурти мисол ўзимни
Ширин орзуларим билан ўрайман.

Кеча бола эдик, бугун отамиз,
Эртага шубҳасиз қария дерлар,
Ҳаётда бирон иш қолдириб кетсак,
Кўрганда эслашиб «қара-я!» дерлар.

Суханингни сочма бекорга,
Ешлигингга борма, гўрасан.
Гап уқмаган калла — тошлоқ ер,
Тошга нима сочиб, ўрасан?

Кенгликда дарё бўл дейдилар кўп вақт,
Дарё хосияти ҳаёт бермоқдир.
Минг дарё бирикса бир ҳотам йигит
Белига учма-уч келар белбоғдир.

Сўз кўнгилнинг калити дерлар,
Бир сўз билан уни очарсан.
Қалитини топмасанг беғор,
Қулфликча қолар, ночорсан.

Кеча қоронғусин кўрмай тонг бўлмас
Тонгни кеча туғар, ўзи яралмас.

Кеча қорасидан йур олмаган кўз
Тонг қизин юзига тўйиб қаролмас.

Сен хомтама бўлма бунча,
Ўз кўзинг-ла кўриб, нишон.
Оқ дегани қора чиқар,
Ҳар кўзда бир ўзга нишон.

Тилни қисқа тутсанг, қўлинг узундир,
Ўзун қўл узоқдан улгурар ошга.
Тилни қўйиб берсанг, ишинг пайсалда,
Ҳар соат минг тўқмоқ урилар бошга.

Сут бўлиб кўпирсанг фақат тошасан,
Тошиб тўкиласан, лекин тўлмайсан.
Ҳурмангдан ошмай тур, ҳоврингдан тушиб,
Ачитқи кўрмайин қатиқ бўлмайсан.

Сен бугун ўз нафсингни кўзлаб
Унутувчи бўлсанг бошқани,
Ҳеч шубҳасиз эрта бир кунин
Еб туриб ҳам дейсан: — Ош қани?

Қалбимга ишқ меҳмон бўлган кунданоқ
Ақлим тўлишдию фикрим ҳам унди.
Ҳаётнинг мазмуни, гўзаллик оти
Шу тўрт йўл шеъримда бўлиб кўринди.

Қарилик ҳам бир дард дейдилар,
Топиб бўлмас асло давосин.
Шундан уни тан олмай кўнгил
Қилар экан ёшлиқ даъвосин.

Камликка завола йўқ дейдилар, зинҳор,
Оёғинг ерда бил, бўлмагил осмон.

Ёрдан юз ўгирсанг осмон йироқдир,
Уртада қолурсан осилгансимон.

Тонг чоғи тўлғаниб сайраган дутор,
Қандайдир дард билан қалбни ўртарди.
Англасам, пардалар бўйлаб, куй бўлиб
Сездирмай сеҳргар умрим ўтарди...

Уйқу босиб келса, чекилмагим йўқ,
Лекин у бир куни голиб келади,
Ғафлатда ўтувчи умр тухфасиз.
Бедорлик бир совға олиб келади.

Эрни эрмак санаган аёл
Эл ҳурматин қозонолмайди.
Қайнатишни ўйламай киши
Учоқ қуриб қозон олмайди.

Сени сўроқлайман мен сатрлардан,
Шеъримга беркинган бўлса, деб зора.
Бўйингни излайман гул-атрлардан,
Тонгда шаббодадай кириб гулзора.

— Най овози ёр овозими,
Қайдан бунча жонни ёқади?
— Бўлса бордир, най овози ҳам
Қалбдан чиқиб, қалбга оқади.

Севги сўзин қадим дердилар,
Менга келиб қаримас бўлди.
Еш қалбимни қаритса ҳам у
Сўнгагимдан аримас бўлди.

Бир дам ўз ҳолимга қўймас хаёлинг,
Ўйламай дейману яна ўйлайман.

Шу кўйда ўтай мен умрим борича,
Энди ўйламайман десам, ўлай ман.

Ҳаётнинг қизиғи — гул ўйнар йиллар,
Шу ўн беш-йигирма ёшингда экан.
Қолгани, етгунча сўнги соатинг
Оламнинг савдоси бошингда экан.

На давлатим бору на савлатим бор —
Бисотим парча эт, юракдан бошқа.
Камликда ердурман, ахир, дўстларим,
Ердан юксалди-ку инсон қуёшга.

Тилинг — чин бойлигинг,
Ҳар сўзинг олтин.
Сен уни жойига
Харжлай бил олдин.

Оёғинг остидан узоқни кўзла,
Ўйлаб айтилган сўз кўнгилга ботмас.
Ҳар ишнинг вақти бор, хомтама бўлма,
Хўроз чақиргани билан тонг отмас.

Бир иш қилсанг ўйлаб қилгин, ўйнаб қилм
Фикр билан бўлган ишда сенга нон бор.
Ўйламасдан деган кичик бир сўзнинг ҳам
Орқасидан келар тоғдек пушаймон бор.

Тўғрилиқ — бу унут бўлмас одатим,
Тўғрилиқ йўлига жонни тикканман,
Шу сабаб кимларга гулдек беозор,
Қимларнинг кўнглида заҳми тикалман.

Тиллар турли-туман туюлганидай,
Рангда ҳам шунчаки оқу қорамиз,

Аслида ҳаммаслак ҳамма миллат, дўст,
Бир мақсад сари биз бирга борамиз.

Бир томчи сув бўлиб шимилсам ерга,
Бирор гиёҳ мендан униб, кўкарса.
Ҳаётга келибман шундай кетмасам,
Кетимда айтгулик бирор ном қолса.

Оддий бир ниҳолнинг парваришида
Азиз бир фарзанднинг меҳру ишқи бор.
Боғбоннинг меҳнати, шараф орзуси
Оналик шаънидек юксак, беғубор.

Сен баҳона бутун вужудни
Кўз қилдим-да, гулга қаратдим.
Баҳор асли берар-ку гулни,
Мен бир гулдан баҳор яратдим.

Не бунча юзингга қараб тўймайман,
Ёшлигим ўтди-ку, қариб, тўймайман.
Сумбул сочларингни тун бўйи ўрсам,
Кундуз кипригим-ла тараб тўймайман...

Суврат дедим сени аввали,
Йўқ сездириб қўйдинг сўзингдан.
Суврат бўлиб қолибман ўзим,
Сеҳрловчи жоду кўзингдан.

Гуллардан сўрайман, гул юзлигим деб,
Гулмидинг ё сунбул, қай чамандансан?
Бир боқиб қалбимга ўт солиб кетдинг,
Тунги чақмоқмидинг, ёр, чамамда сан?

Гул — муҳаббат рамзи дейдилар,
Гул тутганнинг қалби шу гулда.

Оз фурсатда бу гул сўлса ҳам,
Япроқ ёзар меҳри кўнгилда.

Юзингни соғинсам гулга боқаман,
Кўзингни деганда қалбни ёқаман.
Висолинг хаёлин қилганимда мен
Тоҳирдек тўлқинлар ичра оқаман.

Енингда ўлтириб сўник соядек,
Бир-икки оғиз сўз айтгандай бўлдим.
Сездингми, сезмадинг, хўш, сезган бўлсанг
Юзимга боқдингми, айт қандай бўлдим?

Қалбимни сўрадинг, бердим, не чора,
Бунча кўз олдимда уни ўйнайсан?
Эрмакка қалбини отганлар каби,
Шусиз ҳам яшар у дебми ўйлайсан.

Мен сенга қарасам, сен ерга боқдинг,
Бунча, кўзларингни кимдан яширдинг.
Бир сўз дўмай мендан йироқлаб
Гўзаллигинг яна оширдинг.

Бир юракка сиғмас дерлар, икки севги
Иккиси ҳам меҳри билан қалбим нақши.
Лекин илҳом келганида суюкли ёр,
Ўз ҳолимга қўйиб, йироқ кетса яхши.

Бахтинг келди, оғзинг билан қуш овладинг,
Вақти етиб ўз-ўзингни кушовладинг.
Хомлик қилдим деб ўтганга армон қилма,
Минг қозонга тушдинг, лекин пишолмадинг.

Тирмашлаган чиқар тоққа,
Неча тойиб, ҳорса ҳам.

Жон койитмай жиплолган — йўқ,
Минг хаёлга борса ҳам.

Болалигинг ганимат,
Эрта бир кун отасан.
Шунда отдан тушарсан,
Ҳа, бугунча отдасан.

Ватаним, севаман бир фарзандингдай,
Севаман жон-таным, қалбимдан шунча.
Бир қисим тупроғинг бўлай бағрингда,
Қуруқ нур «ялт» этиб кўкда сўнгулча.

Борни болдиридан билсанг бўлади,
Йўқни қулоғидан илсанг бўлади...
Бир борни кўрдинг-ку, бир йўқни кўрдинг,
Шунга қараб фикр қилсанг бўлади.

Бола кўнглин топай десанг далага чиқ,
У беқарор ўйинқароқ, тилим билмас.
Еллар билан ўзиш, югур, у истаса
Бола бўлмай киши бола тилин билмас.

Ўйлайсан, ўйингинг поёни бўлмас,
Ўй қилмай бўларми бирор кун киши,
Бу ўйни қайга ҳам сиғдириб кетар
Охирги манзилга борар кун киши?

Кичикларни катта қилгунча
Кичик бўлиб қолар экансан.
Дарё бўлсанг оққан айқириб,
Кечик бўлиб қолар экансан.

Ўтганлар изини сақла, ўчирма,
Ў кетди, мен қолдим, деб қуш учирма.

Ҳаёт навбатлидир, сен ҳам ўтарсан,
Аслимиз бир келиб кетар кўчирма.

Нафсини қувлаган қувғинга тушиб,
Ёт элда тўшаги похол бўлади.
Она юрт юзига оёқ қўйганнинг
Гуноҳин ўтмак кўп маҳол бўлади.

Хаёлчи дейдилар мени баъзилар,
Сабаби — хаёлдан бўшамайсан ҳеч.
Шоирлик шундайдир дейман уларга,
Кулишар: Шоирга ўхшамайсан ҳеч.

Барча савдо ернинг бошида
Ер кўтарар бунинг барчасин.
Олам олам бўлгандан бери
Ким кўтарган ернинг парчасин?

Емонга яхшиликдан
Бирор ҳарф ўргатганинг —
Кимсасиз вайронага
Минг чироғ ўрнатганинг.

Гўзалликка қут бўлиб,
Осмон ёғар, ер шимар.
Томошабин бўлмайин,
Йигит бўлсанг, енг шимар.

Ўзим ҳали ҳаёт бўлсам-да,
Неча-неча ўлиб кўрганман.
Шоир қалбим — дўстлар мазори,
Унга кўплаб ўлик кўмганман...

Тилинг билан жон олғувчи бўлма ҳеч,
Жон бахш этки, жонингга жон қўшилсин.

Заҳарингни ичинга ют эр бўлсанг,
Асалингдан элнинг кўнгли хуш бўлсин.

Умрим шамолдайин ўтди, дейдилар,
Чақмоқдай беором, хаёлдай изсиз.
Утган ўтди демай, қолган умр ҳам
Утганнинг ҳажрида ўтаркан эссиз.

Ҳақ сўзни десанг сен, «гапирма!» дерлар;
Аввали уқтириб «гап берма!» дерлар.
Бор гапни гапирсанг, тутиб ёқангдан:
«Ҳар ишни қилган сен, чап берма!» — дерлар.

Ўзингни ҳаққа топшир,
Ҳақ, демак, ҳалққа топшир.
Халқдан узоқ бўлганга
Ҳар тур бало ёпишур.

Мен ўзимдан розиман қачон?
Бирор тўртлик ташлаган куним.
Шу тўртлигим туфайли шу кун —
Мен ҳаётда яшаган куним.

Ешлар, кулманг ҳеч кексалардан,
Шундай бўлар қаригач киши.
Қариликни эслатди менга,
Ешлигимнинг тушга кириши.

Ўзингни ҳеч бениқсон дема,
Нуқсонинг бор, лекин кўрмайсан.
Ўзга кўзларга сен эҳтимол,
Гуруч ичидаги курмаксан...

Тор тортишиб йиртилар,
Кенг албатта кенгайиб.

Тор кийганлар бир куни
Кулги бўлар энгашиб...

Узоқми ё яқин сўнгги манзилим,
Ошиқмайман унга барвақт етгани.
Қўнглим бўлмас эл ишончин оқламай
Бағрим тўла армон билан кетгани.

Билмайман, билишни истамайман ҳам,
Ҳаётдан қай куни, қандай қайтаман.
Фақат бўлганимни биламан бунда,
Шунда кўрганимдан элга айтаман.

Одамнинг жўни кўп сергал бўлади,
Яхшиси кам гапу, сергак бўлади.
Узинга қиёс қил сен ҳар иккисин,
Уларнинг қайсиси сендек бўлади?

Тақдирнинг ишига чора йўқ, дерлар,
Ҳаётда бирон бир тасодиф бўлса.
Бундайин тақдирга лаънатлар бўлсин —
Гўдак туғилса-ю, онаси ўлса.

Кўп ўйлайман ўйим узоқ, етолмайман,
Ўйлашлигим сабабин ҳеч айтолмайман.
Ўша бир тўп устихонман, сиртим одам,
Ўйларимни боқиб, ўзим эт олмайман.

Сен меҳнатга эгилсанг,
Меҳнат сенга эгилар.
Меҳнат билан «ман-ман» деган
Мушкул сендан енгилар.

Мен бир ўтда ёнаман кўпдан,
Мени бир ўт ўртайди мудом.

Шу ўт билан қайта жон топар
Бир кун кулга айланган мурдам.

Қўзингни очиб юр вақти-бемаҳал,
Пайингда юрганлар очиб қўймасдан.
Умринг қаймоғини шимир, ғанимат,
Сен ундан беҳабар ачиб қолмасдан.

Ётиб еган нотавон,
Меҳнат қилган оч ўлмас.
Пўлатни ҳам занг босар,
Ишлатмасанг очилмас.

Қамситмакка гавҳарни доим
Балчиқ кўздан яширар экан.
Бу билан у асли ноёбнинг
Қадрин такрор оширар экан.

Баъзан қувончингдан кўз ёш тўкасан,
Баъзан азобдан ҳам куласан киши.
Шундай олиб қўяр ихтиёрингни,
Ўзинг билмайсанки, бу кимнинг иши.

Жаҳл асли жоҳил иши,
Жаҳл қилмас доно киши.
Жаҳл тезда қаритади,
Қора сочинг — қор этади.

Дона билан сўзлашсанг,
Сўз бойлигинг ортади.
Нодон билан нон есанг,
Тубанликка тортади.

Сен ўзингни билмак бўлсанг
Мисмисан ё олтинсан,

**Олтин ўтда синалишин
Билиб олгин олдин сан!**

**Кечиринг қалбимни шеъримга берсам,
Шеърим зийнат бўлиб келсин ҳаётга.
У ҳам бир фарзанддек, эл-юрт олдида
Мени қўймаслиги керак уятга.**

**Тўртлигим тўрт кунли дўппи гулидай,
Назардан қолмаса оҳори кетиб.
Қариллик етганда фарзанд кўргандай —
Яшарсам умримнинг баҳори етиб.**

VI. ХАЖВ ДАФТАРИДАН

КУЁВ БОЛА

Узун кириб, узун чиқар куёв бола.
Уй-жойим деб боқмайди бир қиё бола.
Ота-она давлатига орқа қилиб,
Қорин силаб юрар юзи сиё бола.

Топмай-тутмай тайёргина уйланволди,
Шу баҳона ҳукуматдан уй ҳам олди.
Ўқир эди, ишлайман деб у ҳам қолди,
Маърифатдан топмай нури зиё бола.

Бировларга кулганмидинг бунча шўрлик,
Тўрт мучанг соғ бўлса сенга нима хўрлик?
«Товба дейман» яна, балки бу кўргилик,
Барча тоат-ибодати риё бола...

Уяфатлари иш-кучда йўқ, сатанг ёшлар,
Уйламайди, ахир, улар қайга бошлар...
Юз ўгириб таниш-билиш: кўзу қошлар —
Бўлмасайди иши «биё-биё» бола.

Йўқ, хайрият маҳалла-кўй сезиб қобди,
Бузилган бир қулф эди, айбин топди.
«Нима бўлса бўлди, майли ёпди-ёпди,
Ақлингни йиғ» — дея бундан буён бола.

Бир товукқа ҳам дон керак, ҳам сув дерлар,
Узоқ яшаб, дунё кўрган зукко эрлар.
Меҳнат аҳли яхши кийиб, яхши ерлар,
Жон койитмай бўлармиди, қуён бола!

АТТАНГ

Чаппа кетиб ишим аттанг,
Бўлди ёзу қишим аттанг.
Ҳасратимни айтарга йўқ —
Бирор яқин кишим, аттанг.
Авваллари обрў бошқа,
Манзур эдим кекса-ёшга.
Бормай қолди оғзим ошга.
Сингач озик тишим, аттанг...
Пинҳон сирим бўлди «очди»,
Бошим қотиб ақлим шошди,
Ҳамтовоқлар узоқлашди,
Боқмай тенгу тўшим аттанг.
Уй-жойимга тушди қулф,
Ўтган-кетган боқар кулиб.
Йўлда қолдим муздек бўлиб,
Ўнгимми ё тушим, аттанг?
Элдан чиқдим бора-бора,
Қилмишимдан юзим қора.
Мени расво қилган пора...
Бебилиска тушим, аттанг.
Ўз жонимга ўзим қасддан
Иш тутибман ўйламасдан.
Туртки етгач, баланд-пастан,
Кирди ақлу ҳушим, аттанг.

САЕҘ

Соврилиб умри ўтар хумпар саёқ,
Тонгда «Зухро» туилари «Ҳулкар» саёқ.

Ўргилай дейсиз посонингдан сени,
Турқини кўрган киши ҳуркар саёқ.

Соч, сават кийган кишидек кулгили —
Елкадан то юз-кўзин буркар саёқ.

Ўйласа ғирт нотавон, иш-кучда йўқ,
Бетига шундай қора суртар саёқ.

Елбориб ўз фойдасидан сўзласанг,
Уқмайин жонингга ўт пуркар саёқ.

Нечани йўлдан уриб, йўмзаб, юлиб,
Бир балога охири тиркар саёқ.

Қилмиши қирдан ошиб ҳам қўймагай,
Санқигай жар бошида турган саёқ.

Кўрса ҳам йўқ, кекса-ёш боқмай ўтар,
«Ҳа?» деганга деб: — худо урган саёқ.

Аслида ҳеч сўз дейишга арзимас
Соврилиб бу соядек юрган саёқ.

ҲЕЧ КИМ БИЛМАСИН!

(Бир ғаламис тилидан)

Отимни «Волга» қилдим,
Айтинг ҳеч ким билмасин.
Неча туриб, йиқилдим,
Зинҳор ҳеч ким билмасин!
Бордим фалон акамга,
Таъби баланд акамга.
Омон бўлсин ёр-дўстлар,
Офтоб тегди орқамга —
Шундай, ҳеч ким билмасин!

Гапни хўп қисқа қилдим,
«Енг ичи» нусха қилдим...
Лекин одамшаванда —
Феъли дурустга қилдим.
Айтинг ҳеч ким билмасин!
Аввал шитоб қилдилар,
Сўнгра хитоб қилдилар...
Телефонлашиб, кимларга —
Номим китоб қилдилар.
Қаранг, ҳеч ким билмасин!

Атрофга от чопилди,
Дардга чора топилди.
Мана мўмай тушимдан, —
Қобиргам ҳам ёпилди.
Қойил, ҳеч ким билмасин!
Хуллас ишни боладим,
Кетмонимни соладим...
Пулми, макру ҳийлами —
Неки борим сарфладим —
Бўлди, ҳеч ким билмасин!

«ҚИЗИҚМИСИЗ...»

Тўғри сўзни десанг, дерлар: — қизиқмисиз,
Бурунларин учи терлар, қизиқмисиз.
Қилмишлари тулкинамо, важоҳатда —
Кимсан фалон «Бобошер»лар, қизиқмисиз.

Бўлар-бўлмас қилни қирққа ёришади,
Ҳар гапда бир сену менга боришади.
Кўнгиллари гоҳ хуфтон, гоҳ ёришади...
Иш-кучда йўқ, ношуд эрлар, қизиқмисиз.

Тўй-маърака бўлган ерда «Байроқдор»лар,
Такаллуфсиз ерларда ҳам тўрда борлар.
Эл кўзига савлат тўккан бу девкорлар —
Едирмайин фақат ерлар, қизиқмисиз.

Йил ўн икки ой шул алпоз, тузалишмас,
Қўни-қўшни туз беришиб, туз олишмас.
Уят-номус нима, лоақал қизаришмас,
Андишасиз бу «бер-бер» лар, қизиқмисиз.

Қорин солган, текин еб хўп терлашади,
Бундайларга ким бас келиб беллашади?
Дами ичда кексаю ёш билишади.
Тавбал — десанг — ҳой, жим! — дерлар, қизиқмисиз.

ТЕКИНХҮР

«Текин танни тозалар» деб,
Текин бўлса бўкканча еб,
Қадрин бир пул қилган расво
Элдан чиққан бу мосуво

Текинхўр.

Йил ўн икки ой у бекор,
Ҳатто носни сўраб чекар...
Зарра жонин койитмайди,
Таъна, танбиҳ кор этмайди,

Текинхўр.

Туси одам, ичи бошқа,
Ҳозир-нозир тайёр ошга.
Қаллобликнинг яккаш пири,
Лекин ошкор эмас сири

Текинхўр.

Ҳафтада бир бозор кезар,
Бегим кунлар мазор кезар...
Элдан узиб, юлқаш иши,
Шундай ўтар ёзу қиши

Текинхўр.

Кўриб дейсан уй-жойини,
Бирор ернинг хўжайини.
Аслида-чи, хўжа бекор,
Ўз ишига пишиқ беор,

Текинхўр.

Бу ғаламис юришларинг,
Меҳнатсиз кун кўришларинг,
Кўлга бормас, ҳушёр бўл, ҳой!
Кўзингни оч, охириг вай!

Текинхўр.

ҚҰШНИ

Қариндошдан эмиш афзал, қадрдонликда ён қўшни,
Дегайлар шул сабабдан ҳам, билиб: — ён қўшни — жон қўшни.

«Уй олма, қўшни ол» ҳа, қўшни оқил бўлса бахтингга,
Бошинг осмон, қувончинг бўлгусидир бир жаҳон қўшни.

Агарчи носинашта, ноаҳилларга дучор бўлсанг,
Кунин минг нағма бирлан кўрсатур минг бир оҳон қўшни.

Уруш-жанжал кўтариб шифт, деворнинг сири кўчгунча,
Тил-оғзинг тегмаёқ баттол этар бағрингни қон қўшни.

Ишинг ҳасрат бўлиб, умринг ўтар афсус-надоматда,
Дегайсан: қайданам сенга дучорман ногаҳон, қўшни...

Кўрарга сурати одам, э, одамлик ҳайф кетсин,
Мижози кўршапакдек кундузи кўздин ниҳон қўшни.

Тилаб инсофини сен яхшиликка даъват этсанг гар,
Гумон қилгай рақибим ҳийласи деб имтиҳон қўшни.

КҰНГИЛГА УРДИ

Кўнгилга урди, ўлсин, баъзи икир-чкирлар,
Ешларга тўғри сўзни десанг, кулиб, қиқирлар...

Фойдасин билмаган деб, бунда койиш ўрнига,
Ўз бошига ўзлари овора ҳамфикрлар.

Каттани катта билмай сўз қотишар даврада,
«Мавриди келганда ол» дея кимлар пичирлар.

Бўлса бирор тўй-ҳашам қўр тўкишиб тонгача,
Ота-бола бир-бирин соғлиғига ичарлар.

Антиқа, алмисоқда йўқ, топиб кийганлари,
Фасонин мақташиб, яна тўқиб-бичарлар.

У нима, бунча мағрур, тарбия шулми дейсиз?
Ахир улар калошин уй тўрига ечарлар...

Кўр-кўрона ножўя ишларини кўриб ҳам:
Ке майли, ёш-да, гўр деб, гуноҳини кечарлар.

Фарзандни парча этдан токи одам қилгунча,
Ота-она билмасми, хум бўлган-ку, жигарлар.

Қасалнинг олдин олмай, инсофини тилаш-ла,
Сургалиб нега энди фурсатдан кечикарлар?!

«МОДА»

Тожи буви келинини дейди койиб:

- Нима бало сочингизни бундай ёйиб,
Қалта кўйлак киймасангиз, келин пошша?
Шўрим қурсин, аҳволингиз ғирт томоша!
 - Фу — дейди келин, — янги мода, кампир!
 - «Моданг», — нима айналайин, туззук гапир?
Келин кулар, биз ёшларнинг посони бу,
Ҳали шошманг, посонларнинг онсони бу...
 - Вой, ўлмасам, қани узун лозимингиз?
 - Шундай юринг, хоним, деди Козимингиз.
 - Ундай қилманг, элга номус, кийиб олинг!
 - Мендан олдин қизингизни тийиб олинг!
- Тожи буви дами ичга ютиб қолар,
Келинининг юрак дарди тутиб қолар...

КАСАЛ

Хотинимнинг касали — қон босими,
Уйин-кулги билан тирик, бечора.
Сағал гапга қони қочиб, қалтираб,
«Вой жоним»лаб ётиб олар, на чора.
Дори-дармон қор қилмади, фойдасиз,
Қолмади ҳам қаратмаган доктори.
Шифо тилаб, сабр бериш ўрнига,
Қатта-кичик дейдилар: — эрнинг шўри...
Ҳеч тани соғ бўлганини билмайман,
Бир кун баланд деса, бир кун паст дейди.
Бошим гангиб уйга келсам, пўнғиллаб:
— Адо қилди мени, даданг маст, дейди.
Ерилмагим яқин қолди, зорманда —
Бу бедаво касалининг дастидан.
«Их» деганда ўзлигимни унутиб,
Ургиламан баландию пастидан..
Қозон-товоқ, рўзғор иши бошимда,
Кун ора бир кир юваман энгашиб..
Аввалгидай юрай десам гул санчиб,
Болаларим «дадалашар» эргашиб.
Касал хотин икки юзи мағиздай,
Ҳолдан тойиб ўлгандан мен ўламан.
Аламимдан дейман: — Ойша соғайса,
Мен ҳам шундай «қон босими» бўламан!..

АРМОН БИЛАН

Биз кимлардан куламин?
Юлғичлардан, мастлардан.
Текинтомоқ, ишѐқмас,
Йўлда хору хаслардан.
Ҳа, айниқса фирибгар —
Қаллоблардан газабда.
Куламин, кўрмай деймин,
Қийналамин азобда.
Соч елкада бир аҳвол,
Қийинишган «олифта».
Кўзда қора кўзойнак,
Ҳаммаси бир қолипда.
Ўзларидай ичи бўш —
Портфель қўлда саламглаб,
Иш кучда йўқ юришар,
«Ов» пайида аланглаб...
Кўрганлар: — Е тавба, деб,
Еқа ушлаб қарашар.
(Гўёки бу юришлар,
Ўзларига ярашар).
Қайбирлари приѐмник —
Ушлаб олган қўлига.
Маймунсифат тўғаноқ —
Бўлар қизлар йўлига.
Биз шулардан куламин,
Афсус ва армон билан.
Булар тузалмас бало,
Минг дори дармон билан.

ГАПИРМАСАНГ

(Баъзи ўзим дегувчиларга)

Улар гапирсалар, сен дим бўлсанг — гапирмасанг,
Кўтариб урсалар ҳам, жим бўлсанг — гапирмасанг.

Сувратинг одам бўлиб, ўлтирсанг қум-тошдек,
Деганларин десалар, ким бўлсанг, гапирмасанг.

Майли босиб ўтсалар, ўтласалар бошингда —
Улар карнайгулу, сен — чим бўлсанг — гапирмасанг.

Юзинга қора суркаб, ёмонга йўйсалар ҳам,
Киройи дўсти содиқ, чин бўлсанг гапирмасанг.

Истаганча тортқилаб, ўйнасалар ўртада,
Ҳатто пичоқларига қин бўлсанг — гапирмасанг...

ҚОР

Киройи бу йилги қор, қордай бўлди,
Жилла хумори ҳам ҳа, бордай бўлди.
Еру кўк қор, қаранг, бирдай ҳамма ёқ —
Олам нур кийиб, беғубордай бўлди.
 Кўча-кўйга шакар тўкилгансимон,
 Элаб уриб берди, шоввоз осмон.
 Қор тагида қолиб, йўлда роса ман
 Бурун шолғому, юзлар анордай бўлди.
Бошларда катта бўрк, кўзлар кўринмас,
Қулоқлар гап уқмас, ҳамма шундай маст.
Совуқдан пишиллаб паровоз нафас,
Чиллакдек жуссалар қанордай бўлди.
 Қозон-чўмичларга зўр келди шу кун,
 Ортмоқлаб олгандайин барчанинг юкин.
 Едилар нон-ошнинг хому куюгин,
 Ахир борни йўққа санардай бўлди.
Утин-кўмир дарди ҳали ҳам бор-да,
Картошка, сабзи, пиёз тўнгди омборда.
Газ оти бор экан бизлар омонда,
Кўзлар чироқ мисол ёнардай бўлди.
 Автобус ғирт тиқин, йўллар тайганчоқ,
 Пиёда юрганлар аҳволига боқ.
 Бир кунли қор бўлди, бир йилга сабоқ,
 Дўст-дўстдан шу кун тонардай бўлди.
Келгуси йил учун бу қуту замин,
Олти миллион учун ишора — омин!
Тугиб қўя беринг, сиз ошнинг хомин,
Заршунос эл олтин санардай бўлди.

«БАЛИ-БАЛИ»

Ҳар балонинг аввал боши «Бали-бали»,
Кимни қанча давлати бор, ё амали —
Ҳаммасини барбод этар охир,— Бали!
Англаб олинг шундай бўлар бир маҳали,
Бир маҳалми, бемаҳалми?— дейсиз ҳали.

«Бали-бали» билан пуфлаб шиширарлар,
Хом — хамаксиз, обдон димлаб пиширарлар.
Сўнгра яқин йўлатмайин пишқиарлар...
Сиз беҳабар бу савдодан, шошманг ҳали,
Товба!— дейсиз бемаҳалнинг бемаҳали.

Минг мақомга тушиб хотин янгилайсиз,
«Москвич»дан «Волга»... сирин сиз англайсиз.
Ҳайронига учраб ҳар ён аланглайсиз —
Йўл устида якка қолиб, «Бали-бали»,
Кўзни очиб ҳушёр тортинг, ҳа ақалли!

Эл-юрт сиздан юз ўгирса энг қабоҳат,
Бунча ранжу азоблардан кимга роҳат?
Тоғ бўлса-да, тугаб битар сабр-тоқат
Тили оғзи тегмас бало «бали-бали»,
Бу балога нишонлар ҳам сиз аввали.

Меҳнатни кўп қилсангиз ҳам озроқ ошанг,
Оғиз йиртар луқма бўлмай қараб яшанг.
Ишларингиз ишқалдан соф бўлсин, башанг —
Ҳар нарсанинг ҳисоби бор, бор уволи,
Ҳисоби йўқ даъвати бир «Бали-бали».

Хушомадга учган бошга осмон қулар,
Даққи бериб аҳволига олам кулар.
Баттар бўл!— деб «боз-боз»ига солган улар —
Писиб қочар, ҳорма!— демас лоақал ҳали,
Шайтон қўйган шоти ўлсин, «Бали-бали!»

«ТАНБУР»

(Хотинининг тўғри сўзидан тўйган бир ғаламис тилидан)

Таноби бир узилмас кўз кўриб қўл тутмаган танбур,
Синиб битмас умр боқий, ўлиб ер ютмаган танбур...

Хуружга минса гар кўрсанг баногоҳ тонгми оқшомда,
Қилиб таъбингни хуфтон сайрагай хўп кутмаган танбур.

Олар авж пардасин бошлаб мақоми алмисоқлардин,
Менингдек ҳеч замон ҳеч ким бошига битмаган танбур.

Зада кўнгил қуши кўрса қочардинг ўзга ёқларга,
Уёсин тарк этиб ҳайрон ва ё бургутмикан танбур?

Кўзимга уйқу келмас ўйласам гар тунлари ўлсин,
Куйи чилла, зимистон, пардаси «хут-ют»микан танбур?

Қулогин бургани бўлмас анга қўл етмаги мушкул,
Дегайман ўлганимдан ё, ўзи нобутмикан танбур?

ТУЙ ТАЪРИФИДА

Тўёнасиз ўтмайди ўзбекчилик, тўйимиз
Шухратда тўн кийгизган ориқ, тириқ қўйимиз.

Тўйни тўйдек ўтказиш келмас хаёлимизга,
Тавану тўққиз-тўққиз ҳамон фикру ўйимиз.

Шилқим отарчиларга бой бериб боримизни,
Токай «саҳоба»ларга маскан бўлар ўйимиз?..

Билсайдик, бошимизга не савдолар солмоғин,
Бесоат кунда бўлган қурғур феълу-хўйимиз.

Текин еб терлаганлар мақтовига учиб биз,
«Э, балли, балли!»лардан тоғдек ўсар бўйимиз.

Мойда қозон-чўмичлар чўмилса ҳам чикора,
Зорманда шишаларга боғлиқдай обрўйимиз.

Кимлар боши ёрилган, маст-аласт тўйхонада,
Танбеҳу таъналардан ҳам бўлмас бир мўйимиз.

Қанчалик танбур чалиб, куйласак тўй таърифин,
Эски тос, эски ҳаммом, ўша қўшиқ-куйимиз.

Эл-юрт ошин еганлар таомилин қилмасак,
Кўнгил жойига тушмас, чиқмас ранги рўйимиз...

ҚИЗИҚ

(Термалар)

Одатча бирор бошлиқ
Енг ичида пора еса
«Дод!» деймизу, зир еламиз:
Емагани зора еса...
Қизиқ.

Сотувчидан ўпкалаймиз:
Эл-юрт ҳақин урар доим.
Давлат мулкин «сув» қиламиз
Ўзинг асра, деб худойим.
Қизиқ.

Бошлиқ бир бор акса урса,
Соғ бўлингга ўн беш киши.
Буларнингмиш падхалимлик
Яна жини севмас иши.
Қизиқ.

Баъзилар бор тўғри гапни
Хўп лоп урди, деб сир очар.
Ўзларига қўйиб берсанг,
Йўқ ерлардан олиб қочар.
Қизиқ.

«МУШТУМ»ГА ХАТ

(Бир бюрократ тилидан)

Қалай, вақтинг чоғ бўлдим,
Оға «Муштум»?
Сен дўстона имо қилдинг,
Отдан тушдим...
То шунгача ўзимда йўқ
Эсим кетди.
Мана чилла ўлтирмакнинг
Вақти етди.
Раҳмат, қўлдан амал кетиб,
Бўлдим силлиқ,
Ҳа, бунчалик иноятинг
Учун қуллуқ.
«От тепкисин от кўтарар»
Деган гап бор.
Гапни ортиқ чўзмакликдан
Қимга наф бор.
Мен мевали дарахт экан,
Тош бўлдинг сен.
Уч-тўрт кунлик кўргуликка
Бош бўлдинг сен...
Энди бирор ишдан гапир,
Мойлик бўлсин.
Тушими зўр, мўмайгина
Ойлик бўлсин.
Ахир оққан ариқларнинг
Боласимиз,
Қўлдан кетди енг ичида
Оласимиз.
Қоринда йўқ тик турарми,
Бўш қол ўлсин.

Бир илож қил, ой-кун ўтмай,
Тезроқ бўлсин.

Орқам офтоб кўрсин, олай
Ўзни ростлаб.

Машинаси бўлсин, юрмай
Мен халлослаб...

«Муштум»:

Ҳушингни йиғ, сўнг ўйлаб кўр,
Э, кўрнамак.

Қолганмикан сен кирмаган
Бирон кавак!

БИР НОШУД ЭРНИНГ ХОТИНИГА ИЛТИФОТИ

Теримдан қолмайин ҳеч,
Хоҳ эртаю, хоҳи кеч,
Этакка тутиб ёлпеч...
Биздан бўлиб хотиржам,
Бораверинг, хотинжон.

Болалар уйғонмасин,
Сиз эшитманг «нағма»син.
Пешанамга бир муштлаб,
Тинчитамаман ҳаммасин,
Бораверинг, хотинжон.

Уйда биз бор, ғам қилманг,
Бошингизни ҳам қилманг.
Албатта ҳар бир ишни
Пишиқ қилинг, хом қилманг,
Бораверинг, хотинжон.

Қайтмакни ҳам ўйланг,
Қайнатмакни ҳам ўйланг.
Тириклик бир гап бўлар,
Кўп ўйламанг, кам ўйланг,
Бораверинг, хотинжон.

Деманг ҳориб келаман,
Мендан ғолиб келаман.
Сизга мукофот берса,
Ўзим олиб келаман...
Бораверинг, хотинжон.

ПОЧЧА

Поччам бир кун кайф устида,
Кўзига ёш олиб деди:
«Хув» деб чиқиб кетсаммикан,
Шу уйдан бош олиб, деди.
Мен — опангни эриман-ку,
Ҳа, эрмаги эмасман мен.
Зормандангни уруги кўп,
Бирортасин демасман мен...
Мени билмас, у кўрнамак,
Нон тепмагин, йўқ, қўймайди.
Томизмайин оқ ичаман —
Соғлиқ бўлсин деб, ке, майли.
Поччанг чакки йигитмас, а,
— Зўрлар! — дейман,
— Э, мард киши.
Унча-мунча одамларнинг
Иши эмас, поччанг иши.
Бутун бошлиқ бир артелнинг
Ташвиши бор бу каллада.
Ҳазил эмас, ким — фалончи —
Саркор, номим маҳаллада...
Фақат опанг билмас, опанг.
— Келинг, оғир бўлинг дейман.
Кўкрагига уриб вайсар:
— Э, Мирвали ука, э, ман —
Тайёр соғин сигирман-ку,
Тушунмайди опанг тушкур.
Участкамиз, участкада
Машинамиз бўлса, шукур.
Истаганин еса, кийса.

Қани айтсин, нима етмас?
Поччанг берган устихонни,
Еган ит ҳам нари кетмас...
Елғиз уйни бекаси-я,
Ишла, топ деб — зўрламасам.
Қаридинг, деб хотин усти —
Хотин олиб хўрламасам.
Қовоғидан қор ёғару,
Чиройи бир ёришмайди.
Ҳеч эр-хотин бизчалик кўп,
«Сену мен»га боришмайди.
— Опам нега... деб ўйлайман,
Ахир шундай эри бўлса?
(Мол-дунёга боқмас хотин,
Эрни кўнгли эгри бўлса).

ИШКАМБАЛАР

(Бир «таърифи ошхона» ҳақида)

Қути ўчган таомлар,
Хижолатда дейдилар:
— Пули куйгач албатта,
Хўрандалар ейдилар.

— Э, начора,— дер кабоб,—
Емасликка бўлмайди.
«Сув йўғида таямум»
Кўнгиллари тўлмайди.

— Ҳа, ишдаги одамлар,
Минг томонни ўйлашар.
Нобакорлар билмайди,
Қимлар билан ўйнашар?!

Палов бирдан тутоқиб,
Мудирдан койиб кетар:
— Эл-юрт ҳақи қўярми,
Бир кун у тойиб кетар.

Уз нафсини кўзлаган —
Юлғич узоқ яшамас.
— Минг тўлахни кўрган-ку,
Ахир «Мўйлаб» ёш эмас.

Қандай кўнгли бўлар денг,
Сен кабобмиш, мен лағмон.
Палов мана бу аҳвол,
Баъзи ишларга доғман...

На маза-матрамиз бор,
На таом башарамиз.
«План!» дерлар ҳар гапда,
Мажбурмиз, бажарамиз...

* * *

Бу «Қори ишқамбалар»,
Орттирса бас бойлигин.
Билишмасми кўп еган —
Киши ҳоли «вой»лигин...

ИЧАК УЗИЛДИ

(Бир кулги кечадан хотира)

Кулгидан узилиб ичакларимиз,
Билинди сарагу пучакларимиз.
Гоҳ кесиб, гоҳ кесмай пичоқларимиз —
Кулдик ҳам кулдирдик кулги кечаси.
Сўз кетиб ютуғу камчиликлардан,
Роса саваш едик «қамчи»ликлардан.
Тиллари заҳару сўзлари нордон —
Чапдастлар ўртага олиб кечаси.
Бисотин ёйганда сўзлар аттори,
Ақлининг ишламай қолди мотори.
Қалавам чуволиб кўплар қатори —
Чамамда бошимда қолди найчаси...
Пайровга кирганлар талай боплади,
Янги тополмаган эски сеплади.
Ўт кетган юракка мой сепилади —
Сув дея айниқса бундай кечаси.
Бир сўз-ла тилинга буров ташлашиб,
Жавобин кутишар чакка қашлашиб.
Ҳолинга кулишар воҳ-воҳалашиб.
Отганинг нишонга яқин келса-чи.
Ҳассасин йўқотган каби каловлаб.
Қуршовда қоласан бош гангиб, ғовлаб,
Шатакка олишар сўнг тўрт-бешовлаб,
Қаерга етказмас кўнгли кўчаси.
Бу кеча охири сен-менга бориб,
Сариғлар қизариб, оқлар кўкариб,
Қиш куни терлашиб, уриниб, ҳориб,
Қайтпимиз бирорта «Ҳорма!» деса-чи.

ЛАЪНАТИ БИР ҚУН

Нима мажбур қилган экан,
Бир куни хўп отибман:
Узимда йўқ шамдек қотиб,
Тор хонада ётибман.

Эл оёғи тинган, демак,
Вақт анчага борибди.
Қўз кўкарган, бош зирқирар,
Лунжимни ким ёрибди?

Нима бўлган, эслолмайман,
Улфатларим ким эди?
Лекин, қариб қуюлмаган,
Менга бу ҳам кам эди!

Ичмайман деб ичибман-да,
Дейман ичдан ўкиниб.
Қимдир кимни сўроқ қилар,
Қаердадир сўкиниб:

— Фамилянг, гапир!— дейди,
Жавоб қилар бошқаси.
Яна тўрга тушибсан-да,
Сурбет, отнинг қашқаси.

Уша — Минор маҳаллами?
— Лаббай, Илғор кўчаси.
— Лойга ботиб ётганингни
Эслайсанми кечаси?

Навбат менга етгандайин,
Бошимни ҳам қиламан.
Ун беш сутка берса-я, деб
Бу ёғин ғам қиламан.

Хотин касал, болаларнинг
Ҳоли нима бўлади?
Уз-ўзимга дейман, шошма:
Ҳали нима бўлади?

Шу пайт мени сўраб қолар,
Ҳушёрхона бошлиғи:
«Мижозларнинг серхуруши —
Қани, бароқ қошлиғи».

Шундан бери толеим суст,
Келолмайман ҳушимга.
(Лаънати бир ичган куним
Кирган экан тушимга).

ОТАНГГА БОР, ОНАНГГА БОР!

**Мансаббойга тушса ишинг:
— Отангга бор, онангга бор.
Елиб ўтар ёзу қишинг,
Отангга бор, онангга бор.**

**Мансабпараст бўлган жойда,
Сенга тўғри жавоб қайда.
Ишларида шу қоида...
Отангга бор, онангга бор.**

**Сочингга оқ тушар, бўлмас,
Ишинг битиб, кўнглинг тўлмас.
«Хўш» дейиш-ла, хўкиз ўлмас,
Отангга бор, онангга бор.**

**Гоҳ телефонга ёпишиб олиб,
Чақчақлашар арзинг қолиб,
Сен қайтарсан ҳолдан тойиб...
Отангга бор, онангга бор.**

РЕЦЕПТ

(Нолиш касалига йўлиққан бир шоирга)

Шоирлик бу камдан-камга
Насиб бўлар, кўнгил иши.
Қалби тонгги шабнамдайин
Тоза бўлар бундай киши.
Сендай ичи қурум босиб,
Сасиб юрмас тақдирдан.
(Хатога йўл қўйган азал —
Котибининг таҳрирдан...)
Шоир бўлиб элга манзур
Нима ёздинг, ўзинг гапир?
Виждонингни ойна қилиб,
Қарасанг-чи, ўзингга бир.
Кўрган асло шоир демас,
Сенинг бир ҳол юришингдан.
Эслаб қора қисматингни
Ҳар ерда оҳ уришингдан.
Бу касаллик рецепт шунга,
Уйлаб бошинг қотиб юрма.
Расволикни мансаб билиб,
Яна бошлаб «отиб» юрма...
«Дўст ачитиб айтар» дерлар,
Бир арқоғнинг учимиз-да.
Қилмишларинг китоб бўлар,
Ҳа, дардимиз ичимизда.
Касалинг зўр, биз бетингга —
Айтдик, қани, нима дейсан.
Ерўчоқдек тутайверсанг
Ўз этингни ўзинг ейсан.
Кимга бунча арзи додинг,
Сенга нима етишмайди?

•

Табиатнинг неъматидан
Юз ўгирган ер тишлайди.
Ҳар истагинг мавжуд бўлса,
Қўлинг етса ҳаммасига.
Бир қаламинг жавоб бўлсин,
Душманнинг минг ҳамласига!
Кел, ўзингни ишда кўрсат,
Меҳнат сени соғайтирар.
Йўқ ердаги иғволаринг,
Қизил юзинг сарғайтирар.

ПУФАК

Икки гапнинг бирида шу:
«Сен эмас мен»,
Пеш келиб дер:— Сени эркак
Санамас мен.
Эри шўрли дардин ичга
Ютиб кетар,
Баъзан бўлмас, хунобаси —
Тутиб кетар:
— Хотин, ахир инсоф қилгин...
Хотин уқмас.
Ҳар сўзларни айтар энди,
У, сув юқмас.
Эр ҳоли танг, қўни-қўшни
Нима дер — деб.
— Худо олсин, ким айтади —
Сени эр, деб.
Улар бўлсам ўлдим, етар
Қул бўлмоғли
Бир силкиниб юролмадим,
Бағрим доғли...
Ҳар кун шундай машмаша денг.
Тинчлик қайда?
Увин-тўда, уй-жойда йўқ
Ҳеч қонда.
Еб-ичардан кам бўлсаки,
Бундай қилса,
Жон койитмас, меҳнат нима?
Қадрин билса.
Иши фақат пардоз-андоз,
Эртадан кеч.

Ғоз юриш-ла, ён-верига
Қарамас ҳеч.
Қуюқ-сууқ әр куйдириб —
Пиширади,
У луфакни қайта пуфлаб
Шиширади...

ҚИМСАН ХОЛА

Ҳамон гапга тутсак
Қимсан холамини:
— Тавба, танимабман,
Дерлар боламини.
Қариллик қурсин деб,
Кулиб қўярлар.
Гап бўлган ерда-чи,
Қуйиб қўярлар:
— Қим билсин, ҳукумат
Бахтига шундай.
Кечаги кўрганим
Бугун тушимдай...
Биргина чиллашир
Ўғлим бор эди.
Қўнглим кўзгусида
Бу ғубор эди.
Сенга ҳам зора эт
Битса дер эдим.
Ичимдан ўзимни
Ўзим ер эдим.
Инқиллаб юарди
Бир ҳол бечора,
Ётиб ҳам оларди
Гоҳ ора-чора.
Солдатга кузатиб
Тирик ўлгандим.
Сабр-чиндам нима,
Шунда ўргандим.
Хат ёзди аҳволим
Сўраб неча бор.

Мен — солдат ўғлингиз,
Деб, Абдужаббор.
Хизмати тугашга
Яқин қолгани,
Шухратда, аълочи
Номин олгани...
Ой, йиллар шу алфоз
Утди, ўргилай.
Тақдирнинг ишига
Йиғлайми, кулай?
Бир куни кўрсангиз
Болам келибди.
Болам билан бутун
Олам келибди.
Уй ичим тумонат —
Одам, ёш-яланг.
Ўғлимни танимай
Қолибман, қаранг.
Ҳар ёндан боқишар
Ҳамма ҳафасда.
«Холанинг чинори»
Дейишиб аста.
Бирига ўн битиб,
Етилиб кетган.
Бунчалик бўлишин
Ахир ким айтган?
— Ойи, мен — ўғлингиз,—
Деб болам кулар.
Кўз очиб, юмгунча,
Утгандек кунлар.
Шу, ўша Жабборим
Ўлмасин дерлар.
Олам ҳеч безовта
Бўлмасин дерлар.

САНДИҚДАН ДОД!

— Эру хотин ишлаб нима орттирдимиз?
Авваллари биз бешикдан «дод» дердимиз
Боламизни азобларди чирмаб-чандиқ,
Бугун эса бизни бўғар эски сандиқ..
Хотин кулар:— Бўғилмайин, қолинг, эр,— деб,
Сандиқ оғзи очиқ турар:— Боринг, бер,— деб.
Бу бир савдо, ҳа, кўпчилик бошида бу,
Қимнинг ички дарди, кимнинг тошида бу.
Ўзбекчилик, сандиқсиз ҳеч бўлмас эмиш,
Сандиқ шундан узоқ яшаб, ўлмас эмиш.
Ўғил-қизинг борми, демак, сандиқ керак
Уйлашмайди киши учун соғлиқ керак.
Топганларин унга тикиб, емайдилар,
Орзу-ҳавас, эви билан демайдилар.

ҲОЖИМ

(Бир маҳалла раиси ҳақида)

«Еб тўймаган, ялаб тўймас»
Юлу юртни талаб тўймас
Юлиб-юлқиш бўлар иши,
Бизнинг раис шундай киши.
Фақат ўзим бўлсам дейди,
Дуч келгани мутаб, ейди.
Мозор шайхи дерлар уни,
Чойхонада у ҳар куни:
«Келтир, узат, қанча, қани?..»
Текин емак жони-гани.
Идораси, ётоғи ҳам,
Тўғриси ҳам, чатоғи ҳам —
Шунда битар иши унинг,
Ёзи билан қиши унинг.
Шу чойхона топган ери
Паққос тўрт-беш йилдан бери.
— Олдинлар-чи, у ким бўлган,
Фолбинми ё ҳақим бўлган?
Ажабланиб сўрасиз,, хўп,
Айтаверсак гапимиз кўп.
Раисимиз даққи Содиқ —
Калити йўқ эски сандиқ.
Ҳеч кимсага сир айтмайди,
Қўймичини силатмайди...
Ҳа, бўлмаса у айтганча,
Ҳисобчи ҳам бўлган анча.
Кейин колхозда омборчи,
Яна нима, э аммо-чи,
Бир артелга мудир бўлган,
Иши ғадир-будир бўлган.

Хўп сув қилган давлат ҳақин,
Менсимайин элу халқин.
Шу баҳона иси чиқиб,
Шатта еган миси чиқиб.
Шундан бери бизда Ҳожим —
Раислар-да, қаранг!?
— Ҳой, жим!

ОШНАЛАР СУҲБАТИ

— Икки кунли дам олиш хўб
Қулай бўлди.
— Қулайлигин сабаби, хўш,
Қалай бўлди?
Бақамт келиб суҳбатлашар
Икки ошна,
Бири мамнун, ўз қонига
Бири ташна.
Мамнуни дер: — бир уй бўлиб,
Бўш кунимиз
Дам оламиз, ишда ўтар
Беш кунимиз.
Киноми, цирк ё боғ-роғда
Сайр, майли,
Меҳмон-излом дегандайин
Хайр, майли.
Хотин хурсанд, уй ичига
Нур ёққандай.
Бола-чақа бир яйрашган,
Сенда қандай?
— Менда дейди бири секин
Тамом бошқа:
(Кўз кўкарган, пешанаси
Бир ҳол қашқа...)
Дам олиш-ку, ёр-оғайни,
Демай бўлмас.
— Чойхонада «шоди» палов
Емай бўлмас...
— Баракалла, ўзингдан ҳеч
Қолар гап йўқ.

Улфатчилик аввалгидан
Яна қуюқ...
Лекин ўша «торт-торт» ўлгур
Белга тепар.
Иштаҳа йўқ, ҳафта ўтмас,
Бурга тепар...
Дам олиш деб қайта ҳолдан
Тойдим анча.
— Икки кунли дам олиш-да,
Чоранг қанча?..
— Узим майли, уй ичимнинг
Тинчи кетди,
Талай гаплар бўлди, шукур,
Тинчиб кетди.

* * *

Сурункали дам олишдан
Қолгани шу,
Баъзиларнинг ёлчишиб дам
Олгани шу.

«АЖАБСАНДА»

(Хўрандаларга маслаҳат)

«Ажабсанда» қандай таом?
Умрингизда еганмисиз?
Таг-туғи йўқ, бу таомга
Масаллиқлар эссиз-эссиз.
«Ажабсанда» ола товур
Номи фақат, ҳеч сири йўқ.
Унда минг бор афзал ўша —
Ҳзимизнинг қуюқ-суюқ.
Мошхўрдани айтинг, мана,
Бир кафт мошдан олам кулар.
Аввал боши тансиҳатлик,
Мастваю угра булар.
Шўрва-шитир, узма, лағмон
Айтаверсак бор қанчаси.
Бир паловнинг неча тури:
Фарғонаю тошкентчаси.
Хўш, қай бири хизмати-ла
Ажабсандан кам бўлибди?
Қисқаси бу аёлмандлар —
Учун ўта ғам бўлибди.
Думба, жигар, картошкаю
Сон гўшти ё пушти мағиз.
Шолғом, нўхат, сабзи-пийёз...
Бунини топган қай ялмоғиз?
Уни беш кунли уй-рўзғоринг
Бир қозонга жо бўлади.
Текинхўрлар таърифича:
Ажабсанда «во!» бўлади.
Оши тузсиз бола-чақа
Нима, рўза тутишарми?

**Чойхонада «Ажабсанда»,
Уйда зардоб ютишарми?
Бир бурда нон, бир пиёла,
Чой афзалдир ажабсандан.
Шундай дердим хўрандалар
Сўрасалар агар мандан.**

ТУГУН-ТЕРСАК, ЛОЗИМАНДА

(Розия буви тилидан)

Розия буви ўз бошига,
Койиб ахир чарчар эди.
Еш-ялангга тўғри гапин
Утаказолмай ночор эди:
— Ҳали бизлар бола эдик.
Онам ўтдек қоврилгани —
Шўрлик отам топганларин
Йўқ ерларга соврилгани,
Қўз-ўнгимда:— Ҳожи буви
Табаррук тўй қилар эмиш.
Маҳаллакўй тараддудда,
Опақинг қўй қилар эмиш.
Тожи амманг хабарлабди,
Эгачисин бешигига.
Эртан никоҳ тўй келибди
Рисолатнинг эшигига...
Соли поччанг арзандаси —
Суннатвойнинг овораси.
Бунга сарпо керак, ўлсин —
Қудамизнинг невараси...
Ҳар кун бирдек тугун-терсак,
Лозиманда аримасди.
Бу савдолар бўлмаганда,
Одамлар тез қаримасди.
Бугун шундай замонда ҳам,
Расм-русум ўша-ўша,
Зорманданинг саноғи йўқ,
Тўйу ҳашам қўша-қўша.
Бор-йўғинг ўйлашмас, йўқ.
Тўйинг, тўйдай бўлсин!— дерлар,

**Меҳнат билан топганингни
Чигирткадек текин ерлар.
Қуруқ бориш бисотда йўқ,
Тўёнаси чақар ўлсин.**

«Муштум:»

**Сабр қилинг, она, яна —
Уч-тўрт кун ҳа, шундай бўлсин.**

ТУШ...

Урушсиз уй бўлмагандек,
Уришамиз, ярашамиз.
Сен аёлсан, қилғил демай,
Уй ишига қарашамиз.
Эркакман, деб бир хотинга
Ташлаб қўйиш мумкин эмас.
Бу одатга кириб қолган,
Ҳар кун шундай бир кун эмас.
Бироқ хотин ношукурроқ
Омон бўлсин, дейман, майли.
Жағин очмай, яхши-ёмон
Кўйдирганин ейман, майли.
Бирор луқма қолдирсанг ҳам:
Даданг, қорни тўқ экан дер.
Қолдирмасанг чойхонада —
«Шода-палов» йўқ экан дер.
Қилдан қийиқ қидирару,
Хуллас бўлмас, уруш қилар.
Тинч ўтказдим деган кун ҳам,
Безгаги бор, хуруж қилар...
Мен ҳам даққи бўлиб қопман
Кўникмайин илож қанча,
Қаранг, бир кун хотинимнинг —
Тушидамиш, ўлиб қопман.
Узинг сақла худойим деб,
Бу бўйинимга осилади.
Гоҳ телбадек ўкраб йиғлаб,
Гоҳ йиғиси босилади:
— Шўрим қуриб, болалариз —
Етим, номим бева бўлса...
Пешанамга муштлаб кимлар,

**Бир парча нон берар бўлса,
Тушим ўлсин дейди куйиб,
Ҳолим нима кечар эди.
Бугун яна ўша-ўша...
Туш кўргани кеча эди.**

ҚАРОВСИЗ КУЧАЛАР ТИЛИДАН

Қўчамиз-ку, нега бизга
Қарашмайди?
Аҳволимиз номимизга
Ярашмайди.
Утган-кетган олдида биз
Хижолатда:
«Кўча бўлмай кетсин!» дерлар
Бу ҳолатда.
Эл оғзида яна «фалон»
Маҳалламиз.
Соя-салқин боғ эдик бир —
Маҳалда биз.
Бугун шундай жазиралик
Қисмат бўлди,
Қимдан бунча бизга холис —
Хизмат бўлди?..
Ен беримиз чиқиндига
Қон кетганча,
Дардимизни айтамиз-да
Қор этганча...
Ез бўйига чангу тўзон,
Қишда хароб —
Доим чироқ тутиб юрса,
Тунда қараб.
Нақ белидан лойга ботар,
Қарамаслар.
(Пасту баланд гапга қўйган —
Ярамаслар).

ХАТОЛИК

Қайси ота ўғлим ёмон
Бўлсин дейди?
Ақл-хушли бўлсин, омон —
Бўлсин дейди.
Мен ҳам бир кун қоқилмаса
Дейман, болам.
Пинҳон сирим ошкор айтай
Ҳа, аввалам:
Бир бинойи бола эди,
У илгари,
Мўмин-қобил, ақл-хушли
Сиз сингари.
Уч-тўрт кунда ўзгарди-ю —
Қолди қаранг.
Сабабини тушунолмай,
Бошим гаранг.
Аввалгидек эмас ахир,
Бошқа Жаббор.
Бу албатта бежиз эмас,
Бирор гап бор.
Онаси дер: — ўлай, ўша
Боламизми,
Эрта билан мактабига —
Борамизми?
— Э, сабр қил, — дейман, дардим
Ичга ютиб.
Баъзи кунлар то тонггача
Иўлин кутиб...
Қайга бориб, нима қилар,
Гапирмайди.

Гапирса ҳам бизга сира,
Гап бермайди.
Топиб-тутиб кел демаймиз,
Ишимиз йўқ,
Ёлғиз ўғил ундан бошқа
Кишимиз йўқ.
Жабборвой-чи бунга хаёл —
Ҳам қилмайди.
Бугуним дер, эртасин ҳеч
Ғам қилмайди.
Гулдор кўйлак, кенг почали
Шимдан бошқа
Ҳеч нарсага рағбати йўқ,
Тайёр ошга —
Димов билан қўлин урди
Бугун ҳатто
Шундай бўлгач ота ўғли
Иши хато.

АРОҚНИНГ СЎЗИ

Сиз мени биласиз қадим-қадимдан,
Ароқман, ҳа ўша қадрдонингиз.
Ичи қурум босган фалокатману
Менингсиз татимас ошу нонингиз.
Ишим фиқу фужур... тўғри, қарғишлаб,
Ҳар ерда ҳамиша депсиб, туртасиз...
Бу гўё шунчаки расмиятдайин —
Кези келганида кўзга суртасиз.
Меҳмон кутганда ҳам тўйу ҳашамда
«Қулинг ўргилсин», деб хаёлингиз — мен.
Жилвамга учмаган ким бор айтинг-чи,
Ҳатто бола-чақа, аёлингиз — мен...
Қасбу корингиздан кечиб мен учун,
Йўлларда қоласиз... ачишар ичим...
Йўқ. Сиз мени эмас, мен сизни ичдим.

ҲАДИКЧИ

Қараганда, қарадинг, дер
Ҳадикчи.
Чақирганда, қарамайин
«Ҳаа» денг-чи,
Ранги-боши бир ҳол бўлиб
Узгарар.
Менсимаган каби уни
Узгалар —
Минг хил гумон келар дарров
Бошига.
Ўзи заҳар солар ўзин
Ошига.

ОДАМ ДАРАХТ

(Ўрмон хўжалиги бошлиқлари диққатиغا)

Ҳаётда кўп гаплар бор,
Эртаксимон — рост-ёлгон.
Лекин булар ўтмишдан
Мерос, бизларга қолган.
Одам дарахт ҳам шундай,
У, ҳозирда бор экан.
Сўзимнинг ёлғони йўқ,
Рости, беғубор экан.
Одам десам яна сиз
Ажабланманг сўзимга.
Тутиб кўрдим қўл билан
Ишонмайин кўзимга.
Одам — дарахт шаклида
Ҳайрон тикилиб турдим.
Одам дарахт дардларин
Англаб, сизга югурдим.
Одамликдан дерди у:
— Ўз ёғимга қоврилиб,
Бир умр бахтим излаб,
Ўтмоқдаман соврилиб.
Шарофатсиз Шумғия,
Савил сассиқ дарахтлар
Эл-юртда эътиборли,
Пешанаси ярақлар...
Бирор кимса кўрсайди
На мева, на соясин...
На яратиб бўлсайди,
Бирор шоҳу поясин...
Мен ёнғоқман азамат
Бироқ бунча қадрим йўқ.

Билмадим, унда-бунда,
Дорига қолдимми, йўқ.
Авваллари ёнғоқзор
Боғлар элда мўл эди.
Усиб-униб ётардим,
Бу барчага қўл эди.
Куз келса қоп-қанорлаб,
Бормисан деб жонивор
Қоқиб, йиғнашардилар
Ҳа, гапимнинг жони бор.
Қиш бўйи сўнг роҳатда,
Бола-чақа дегандай —
Оғиз-бурни мой эди,
Маза, қаймоқ егандай.
Кексалар талқон туюб,
Ҳавасга отардилар.
Қиш-қировли кунлар ҳам,
Ялангда ётардилар...
Мижозим одамсифат,
Ўзим копар фойдаман.
Она ер фарзандиман,
Унаман ҳар жойда мен.
Ҳаёт ишқи жонимда,
Мен яшайман курашиб.
Тоғ-тошлар ҳам жой менга
Борай етти қир ошиб.
Довулларга дош бериб,
Унда боғлар яратай.
Вақтингизни чоғ этиб,
Танингизни яйратай.
Етмиш дардга давони
Аввал мендан сўрашсин.
Сўнг табобат илмидан
Билагонлар сўз очсин.
«Тўғри, дедим, — ким қачон
Ёнғоқдан юз ўгирган.

Ҳар доим «қарс-қурс» чақиб
Еган, севиб, ўргилган.
Енғоқ, не, деб ҳаттоки
Уйлашмайди бошқалар.
Вақти келиб кўрарсиз,
Ўсма кетиб қош қолар:
Енғоқ чиқар рўёбга,
Очилиб бир кун бахти.
Бўлганидай ҳар ишнинг,
Ўз мавриди, ўз вақти.
Уятлари ичига —
Тушиб шунда бировлар
Зир елишиб қолишар,
Тилларида буровлар...

ХОТИМА

Мен нимаики дедим кўрганим,
Демаганим демак кўрмадим.
Ешлик ўтиб, кексалик етди,
Кўнгил ҳақи, унга кўнмадим.

МУНДАРИЖА

Асқад Мухтор. Халқчил шеърлар* 3

I. Етүклик

Дўстлик ҳурмати	5
Шаҳрим чиройи	6
Оналар*	8
Янги йил ўйлари*	9
Ҳазрат Навоийга*	11
Ўзбекмиз	13
Меҳнат шарофати*	14
Ешлик*	15
Мактаб меҳри*	16
Бир чинор хаёли	18
Самарқанд	20
Қалбимда кўшиқ	22
Икки шеър (I. Ҳамза ҳаёт. II. Гуллар)	24
Ҳофизнинг бахти*	26
Хуш келибсиз, азизлар*	28
Пахта меҳри — фарзанд меҳри	29
Нон ҳақида ўйласам	30
Йигитлик йиллари*	34
Машинам*	35
Хайрият*	36
Етуклик*	37
Онам руҳига	39
Қишлоқ	41
Наврўзи олам	43
Шеъримга	44
Сурма*	45
Қизиқсиз, ўйлар*	46
Бахт қадри*	47
Хоразм ҳақида	48
Баҳор қизлари*	49
Устоз*	50
Рафқон ўша*	51
Кўзим кўзингга тушса	52

Улим ва ҳаёт*	53
Маҳаллам	55
Утган ўтди, лекин*	57
Куз	59
Кўзим тўрт*	60
Илҳом парисига	61

II. Шингил шеърлар

Сени севаман	62
Одамлар	63
«Баҳор»	64
Утганлар*	65
Ошиқ кўнгил*	66
Афсус*	67
Қора қиз*	68
«Мени шоир дерлар*	69
«Нечук беҳори гулдирсан*	70
Қушча	71
«Қувонмайин»	72
Кошки*	73
Арча*	74
Гул ҳақи*	75
Эслаш*	76
Кўзим шундай*	77
Кўзойнакчи қизга	78
Нишонлайман*	79

III. Йиллар ва ўйлар 80

IV. Саккизликлар 90

V. Тўртликлар 98

VI. Ҳажв дафтаридан 126

Қуёв бола 126

Аттанг 127

Саёқ 128

Ҳеч ким билмасин 129

«Қизиқмисиз...»	130
Текинхўр	131
Қўшни	132
Кўнгилга урди	133
«Мода»	134
Касал	135
Армон билан	136
Гапирмасанг	137
Қор	138
«Бали-бали»	139
«Танбур»	141
Тўй таърифида	142
Қизиқ	143
«Муштум»га хат	144
Бир ношуд эрнинг хотинига илтифоти*	146
Почча	147
Ишкамбалар	149
Ичак узилди	151
Лаънати бир кун	152
Отанга бор, онангга бор!*	154
Рецепт	155
Пуфак	157
Кимсан хола	159
Сандиқдан дод!	161
Ҳожим	162
Ошналар суҳбати	164
«Ажабсанда»*	166
Тугун-терсак, лозиманда	168
Туш	170
Қаровсиз кўчалар тилидан*	172
Хатолик*	173
Ароқнинг сўзи*	175
Ҳадикчи*	176
Одам дарахт*	177
Хотима*	180

* © Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1979

На узбекском языке

Талиб Юлдаш (Юлдашев)

ВЛЮБЛЁННАЯ ДУША

Стихи

Редактор *М. Авзамов*

Рассом *Т. Сайдуллаев*

Расмлар редактори *А. Бобров*

Техн. редактор *Е. Потапова*

Корректор *М. Абдусаломова*

ИБ № 618

Босмахонага берилди 27.10.78, Босишга рухсат этилди 14.02.79. Формати 70X108^{1/32}. Босма л. 5,75. Шартли босма л. 8,05. Нашр л. 5,75+0,02 вкл. Тиражи 10000. P-08860. Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент, Навоий кўчаси, 30. Шартнома № 69—78.

Ўзбекистон ССР Нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари Давлат комитетининг Тошкент „Матбуот“ полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмаси 1-босмахонасида № 1 қоғозга босилди. Тошкент, Ҳамза кўчаси, 21. 1979 йил. Заказ № 620. Баҳоси 1 с.